



Р. Абдусаломов

ЯНГИ УЗБЕК АДАБИЕТИ

Мавзу: Янги давр узбек адабиётининг кейинги боскичи (50-80 йиллар).

Мавзу режаси:

1. Даврга умумий тавсиф. Бадий публицистика
2. Наср (проза)
3. Назм (поэзия)
4. Драматургия

Мавзу буйича таянч тушунчалар: Хаёт ва адабиёт, хаётни янгича идрок килиш, шахсга сигиниш иллати, адабиёт ва инсон шахсига кизикиш, услубий – шаклий изланишлар, маъмурий – буйрукбозлик усули, кузбумачилик иллати, миллий тилларнинг тақдири, мавзудаги чеклашлар, катогон курбонлари кисмати, бадийлик мезони, ошкоралик ва кайта куриш гоялари, тургунлик мафкураси, адабиётда реалистик йуналишнинг давом этиш, адабиётнинг халк ташвиши билан яшashiши, адабиётда инсонпарварлик масаласи ва х.к.

1 - асосий масала

- 1.1. Даврга умумий тавсиф. Бадий публицистика.

Уқитувчининг максади:

Даврнинг мураккаб тараккиёт йули хамда бадий публицистика хакида талабаларда тасаввур хосил килиш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1.1. Даврга кискача тавсиф берди.
- 1.1.2. Мавзу баёнида куплаб сиёсий ва адабий тушунчаларни изохлаб кетади.
- 1.1.3. Давр ва адабиётга тааллукли булган тушунчаларни фарқлашга интилади.

1 – асосий масаланинг баёни:

Даврга кискача тавсиф.

50 – йилларнинг 2 – ярми ва 60 – йилларнинг бошларидаги адабий жараёнга хос хусусиятлар:

- 1). адабиётнинг хаёт билан алокаси мустахкамланди, унинг мавзу – муаммолар доираси кенгайди;
- 2). хаётни янгича идрок килиш, баҳолашга интилиш кузга ташланда бошлади;
- 3). иккинчи жаҳон уруши хакидаги хакикат, шахсга сигиниш билан бөглиқ кулфатлар додилрок ифодаланди;
- 4). замонавий мавзудаги асарларда реал хаёт муаммолари жиддийрок тарзда куйила бошлади;
- 5). адабиётда инсон шахсига кизикиш, унинг дарду ташвишларини кенгрок ифодалашга интилиш кучайди;
- 6). адабиётнинг бадий ифодалаш олами ранг – баранглашди, услубий- шаклий ифодалашдаги изланишлар жонлана бошлади.

Бундай узгаришлар 60 – йилларнинг урталарида, айникса, 70 – йилларга келиб жиддий тусикларга дуч келди. Булар куйидаги холатларда кузга ташланди

- 1) шахсга сигиниш йилларида таркиб топган маъмурий- буйрукбозлик усули бу йилларда яна тиклана бошлади, у турли соҳаларга таъсир курсатди;

- 2) ижтимоий ва маънавий – ахлокий соҳадаги гайриодатий холатлар ноҳуш натижалар бера бошлади;
- 3) хокимиятни суиистеммол килиш, кузбумачилик, иччиликбозлиқ, бефарқлик иллатлари кенг ёйилди.
- 4) юксак эътиқод билан реал хаёт уртасида тафоввут кескин узгарди;
- 5) миллий тилларнинг мавкеи ва истикболига эътибор сусайди;
- 6) адабиёт ва санъат ишларига маъмурий -буйурикбозлиқ йули билан арлашиш купгина кунгилсиз оқибатларга олиб келди;
- 7) адабиётда танкиддан холи гурухлар пайдо булди;
- 8) хаётдаги жиддий масалаларни кутариб чикиш мумкин булмай колди, иллатлар хакида ёзиш (масалан, фахшабозлиқ, гиёхвандлик) чеклаб куйилди;
- 9) шахсга сигиниш йилларида курбон булган адиллар шаънини тиклаш, уларнинг асарларини халкка кайтариш ишлари тухтаб колди;
- 10) адабий жараёнда уртамиёна асарларга кенг йул очилиб, бадиийлик мезоннининг кадри тушиб кетди.

Мана шу даврда адабиёт ва санъат масалаларига багишлаб бир канча карорлар кабул килинди. Булар куйидагилар:

- «Адабий- бадиий танкид хакида»(1972);
- «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тугрисида» (1976);
- «Идеология, сиёсий – тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тугрисида » (1979);
- «Адабий – бадиий журналистларнинг кммунистик курилиш тажрибалари билан ижодий алокалари хакида» (1982);

Ошкоралиқ, кайта куриш шароитида тургунлик йилларидаги адабиёт юзасидан кизгин баҳслар булди, уша даврдаги ноҳуш ходисалар танкид остига олинди. Бу ижобий томони билан ъирга куйидаги камчиликларни хам келтириб чикарди:

- 1) 60-70-йиллар адабиётини баҳолашда бир ёкламаликка хам йул куйилди;
- 2) уртамиёна ёки бадиий ночор асарларни танкид килиш шиори остида эришилган ютукларни ёппасига инкор этиш холлари содир булди;
- 3) оқибатда уша пайтлари тургунлик мағкураси ва психологияси келтириб чикарган мудхиш ходисаларни, хаёт хакидаги хакикатларни одамларга халол ва мардона туриб курсатувчи асарлар холис баҳоланмади.

Аслда эса уша пайтларда хам соглом акл – идрок мавжуд булиб, хаётдаги кабоҳатларга карши тура олган, оддий кишиларнинг виждони ифодаси булган хакикий санъат асарлари яратилиб турди. Бу куйдаги холатларда кузга ташланади:

1) 60-йилларнинг 2 – ярмидан бошлаб то 80 – йилларнинг бошларига кадар булган адабиётда энг яхши реалистик йуналишлар давом этди;

2) соглом йуналишдаги адабиёт халкнинг кундалик ташвиши билан нафас олди; хаётда содир булаётган, одамларни хаяжонга солаётган жиддий муаммоларга жавоб излаш, жамиятнинг ички зиддиятларини бадиий тадқик этиш характерли хусусият касб этди.

3) бар вактлар адабиёт фактат антогонистик зиддиятларни акс этирган булса, бу даврга келиб хаётдаги халма- хил муаммоларни , ноантагоник куринишдаги ички зиддиятларни бадиий тадқик этишга интди.

4) адабиётда инсонпарварликнинг бадиий талкини чукурллашди, инсон шахсига хар тарафлама ёндашиш, унинг руҳий оламини тула ёритиш, кучли ва ожиз томонларини очиб курсатиш бу давр адабиётининг характерли хусусиятларидандир;

5) бу дарда шаклий – услубий изланишлар яккол кузга ташланиб туради, бинобарин, бу борада олдин кузга ташланган ишлар давом эттирилди.

Шундай килиб, узбек адабиётининг 50-80 йиллар тараккиёт жараёнини яхлит бир боскич сифатида олиб караш максадга мувофикдир. Бу йиллардаги адабий жараён анча мураккаб ва зиддиятли кечгани хозир бизга мальум. Адабиёт ва санъат ишларига маъмурий йул билан муносабатда булиш бу соҳаларнинг ижодий имкониятларини чеклаб куйди. 80 –йилларнинг урталарида юзага келган шароит – хакикатни руй – рост айтиш мумкин булган имконият бадиий ижод уфкларининг янада кенгайишига тасир этди. Ёзувчиларимиз инсон рухий оламини бадиий кашф этиш йулидан бориб, хаётни мураккаблиги ва теранлиги билан акс эттирувчи катор асарлар яратдилар. Табиийки, бундай шароит уз самараларини берди, инсон рухиятидаги нозик тебранишларни поэтик образлар воситасида очиш йулида муайян ютуклар кулга киритилди, адабиётда сифат узгаришлар тобора равшанрок кузга ташланади.

Бадиий публицистика

Ёзувчиларимиз хаётда содир булаётган узгаришларни, турмуш такозо этаётган муаммоларни хозиржавоб публицистика тили воситасида ифодалашга харакат килдилар. А.Каххор, И.Рахим, Н.Сафаровларнинг каламига мансуб асарлар бу борада ажралиб туради. А.Каххорнинг «Хуснбузар», «Туйлар муборак » каби асарлари, айникса, эътиборга сазовордордир.

Аммо тургунлик йилларида келиб бадиий публицистикага хос бу жанговар рух аста – секин сусая бошлади. Адиблар қупрок ютуклар, донгдор кишилар хакида ёзадиган булишди. Турли мансаб эгалари нишондор кишилар аксарият макола ва очеркларнинг бош каҳрамонлари булиб колишиди. Й.Шамшаровнинг «Гурумсаройликлар », «Ер нафаси » каби туркум асарларида бу, айникса, кузга ташланади.

Уша тургунлик йилларида хам виждонли адиларимиз хакикатини айтишга интилдилар: Н.Сафаров, Ш.Убайдуллаев – «Реал ташаббуслар, хаётий каҳрамонлар » (машинади пахта теришда соҳта рекодлар); У.Хошимов – «Калбнинг оппок дафтарлари», «Мукаддлас касамни бузганлар» (мавнавий-ахлоқий мавзуларда).

Шу даврда уткир гражданлик руҳи билан сугорилган яна бошқа катор асарлар хам яратилди. Булар куйидагилар О.Ёкубов – «Кишлокдаги фожиа», П.Кодиров – «Хакикат сабоклари», Э.Вохидов – «Минг асрлар ичра пинхон», У.Хошимов – «Авлодларга нима деймиз?», Т.Пулатовнинг – «Она заминни эъзозлайлик»; Мухаммад Али (М.Мухаммаджонов билан хамкорликда) – «Мувозанат»; Д.Нурий – «Шахар уртасида бир туп оқ уриқ», «Бустонликни куткаринг», Ш.Холмирзаев – «Тогларга кор тушди».

Бу асарларда халкнинг дарди, унинг тилининг учида турган хаёт муаммолари каламга олинди. Тургунлик даврида шалклланган катор иллатлар фош этилди.

80-йилларда бадиий публицистика намуналарини уз ичига олган катор китоблар нашр этилди: «Олтин чукки» (1981), «Янги уфклар» (1983), «Дашт баракаси» (1983), «Бунёдкор калб» (1984) кабилар.

Бу давр очеркларида катор жиддий кусурлар бор эди. жумладан, баландпарвоз ифодалар уларда яккол кузга ташланарди. Бунга юкоридаги китобларнинг номлари хам мисол була олади. Шунингдек, бу даврда яратилган публицистик асарлар аксарият холларда раҳбарлар хакидадир.

Бу давр публицистикасида муайян йуналиш – мавзулар буйича ижод килиш хусусияти кузга ташланади. Бунда публицист – ёзувчи бутун ижодий имкониятларини бир соҳага йуналтиради, хар асарида мавзунинг янги кирраларини очишга интилади. М, Н.Сафаров Мехнат каҳрамонлари хакида , Х.Назир газчилар хакида , С. Анорбоев – («Яйлов гурунглари» очерклари туркуми) чорвадорлар хакида, Р.Бекниёз табиатни муҳофаза килиш буйича ва х.к. Э.Усмоновнинг «Ер –коинот гули» (1980)китоби хам табиат хакида. «Табиатдан узоклик, унинг гузалликлардан маҳрум булиш мавнавий мажрухликка олиб келади. Табиат гузаллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, дустлик, туйгуларини тарбиялашда таянч нуктадир» (О.Тогаев). ... Гузалликни хис этмаган одам

тошбагир, маънавий кашшок булади. Хоик хам, зорлим хам, дуст – биродарларга окибатсиз хам факат шундай одамлардан чикади» (Э.Усмонов)

Ушбу даврда тарихий – этнографик йуналишда катор публицистик асарлар яратилди. Менгзиё Сафаровнинг «Она – Ер кушиги» (1969) очерк – росоласида бир яrim минг йиллик тарихга эга Холчаён ёдгорлиги тугрисида хикоя килинади. Шунингдек, X.Содиковнинг «Ёдгорликлар хикояси», Н.Норматов, Ш.Отабоевнинг «Хунарманд куллар кадри» каби асарлари хам бу йуналишда муҳим ахамиятга эга.

Публицистикада бу даврда ахлокий – педагогик йуналиш хам муҳим урин тутади. М.Исмоилийнинг «Одамийлик киссаси», «Инсон хусни», «Кизлар дафтари» каби китоблари бунга мисол, У.Хошимов узининг «Ок камалак» (1984) китобида ёшлар ва зиёлилар киёфасида интелектуаллик ва меш чанлик хусусияти хусусида суз юритади. X.Кодирийнинг «Турмуш сабоклари» (1985) китоби хам шу йуналишдадир.

Чет эл мавзууда хам бу даврда публицистик асарлар яратилди. Масалан, В.Зохидовнинг «Бемор Америка жароҳатлари» (1981), А. Мелибоевнинг «Умидли дунё» (1982), «Бир заминда яшаймиз» (1984) каби асарлари бунга мисолдир.

Бу давр бадиий публицистикасида А.Журабоевнинг хам урни бор. Унинг М.Шолохов, Е.Евтушенко, С. Бондарчук, Г.Г.Маркес каби ёзувчи ва санъаткорлар билан килган сухбатлари бунга исбот була олади.

Бу давр бадиий публицистикасида утган уруш билан бөглиқ катор асарлар яратилганлигини хам таъкидлаш хам лозим. Албатта, уларнинг хаммаси хам бир хил юксакликда яратилган эмас. Уларнинг орасида мавзунинг муҳимлигидан фойдаланиб, шунчаки ёзиб ташланган асарлар хам анчагина . Лекин мавзуга масъулият билан ёндошиб, уруш давридаги инсоннинг хаёти ва холатини анча чукур очиб берган асарлар хам бор. Шу мавзуда уч китобдан иборат «Жасорат» номли жилддан нашр этилди ва унда 60 га якин Совет Итифоки Каҳрамони унвонига сазовар булган узбекистонликлар хакида хикоя килинди. Ж.Шароповнинг «Жангда жасур, меҳнатда фидоий» (1985) китоби, шунингдек «Садокат » (1985) тупламлари хам шу йуналишда ёзилгандир

Хулоса килганда, 50-80 йилларда бадиий пулицистика адабий жараёнда уз урнига эга булди. Хаётдаги мураккабликлар унинг ривожида хам уз муҳрини колдириди. Шунинг учун бу даврда яратилган публицистик асарларининг балийлик даражаси бир хил эмас. Уларнинг орасида уткинчи сиёsat талаби билан юзага келганлари хам, одамларнинг уй ва ташвишларига акс – садо сифатида яратилганлари хам етарли даражада учрайди.

Назорат топшариклари:

- 1.1.1. 50-80 йиллар адабиёти олдинги давр адабиётидан нима хусусиятлари билан фаркланиб туради?
- 1.1.2. Бу давр адабиётига хос ижобий узгаришлар охирига кадар давом этдими?
- 1.1.3. Ошкоралик ва кайта куриш йилларида адабиётдаги ахвол кай даражада эди?
- 1.1.4. Уша мураккаб йилларда адабиётдаги соглом йуналишнинг ривожи кай тарзда кечди?
- 1.1.5. Шу давр адабиётини умумлаштирган холда кандай мулоҳазалар билдириш мумкин?
- 1.2.1. Бу даврда кайси ёзувчилар узларининг публицистик асарлари билан купрок ажралиб туради?
- 1.2.2. Мансабдор кишилар хакида публицистик асарлар яратиш кайси ёзувчининг ижодида купрок кузга ташланади?
- 1.2.3. Соглом бадиий публицистика кандай асарлар ва кайси ёзувчилар ижоди мисолида кузга ташланиб туради?
- 1.2.4. Бу даврда бадиий публицистика намуналарини уз ичига олган кандай китоблар нашр этилди?

- 1.2.5. Бадий публицистикада ижодкорларнинг маълум бир мавзу йуналишлари буйича асарлар яратиши кандай натижалар берди?
- 1.3.1. Адабиёт санъат ишларига маъмурий-буйрукбозлик йули билан аралашиб кайси боскичда энг куп содир булди?
- А. XX – съезддан кейинги дастлабки ун йилликда.
 - Б. Тургунлик йилларида .
 - С. Ошкоралик ва кайта куриш йилларида.
- 1.3.2. Уқитувчининг обруйи масаласи кайси ёзувчининг асарида кескин куйилди?
- А. Ш. Убайдуллаев.
 - Б .Н.Сафаров.
 - С. У.Хошимов.

2 – асосий масала.

- 1.1. Наср (проза)

Уқитувчининг максади:

Шу давр узбек адабиётида бир йуналиш – насрнинг тараккиётидаги узига хослилар хакида талабаларга тасаввур бериш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1.1. Насрнинг умумий тараккиёт манзаралари хакида тасаввур хосил килади.
- 1.1.2. Жанрлар (хикоячилик, киссачилик, романчилик) хакида тушшунчаларни шакллантириш.
- 1.1.3. Муваффакиятли чиккан асарлар тахлили оркали адабиётнинг ривожидаги узига хослик хакида билим олади.

2– асосий масала баёни:

Хикоячилик

Бу даврдаги хикоячилик хам узининг янги катор хусусиятлар билан ажралиб туради. Олдинги йилларда уткир хаётый воеалар асосига куриладиган Бу жанрга маъум «конфликтсизлик назарияси»нинг таъсири булган эди. бу дарвга келиб янги бадий тафаккурнинг маҳсули сифатида бирин – кетин катор яхши асарлар пайдо булди. А.Каххорнинг «Минг бир жон», «Тўйда аза», «Даҳшат», «Махалла» каби хикоялари шу жумлага кетади. Сайд Ахмаднинг «Турналар», «Онажонлар», «Хазина» китобларига кирган хикоялари хам шундай асарлардан.

Бу давр хикоячилигига салмоли гаплар айтиш, хаётнинг жиддий муаммоларига эътиборини жалб этишга интилиш кучайди. С. Зуннунованинг «Ёлгизлик», П.Кодировнинг «Жон ширин», Ш.Холмирзаевнинг «От эгаси», У.Хошимовнинг «Урушнинг сунгги курбони », У.Умарбековнинг «Номус», У.Назаровнинг «Ов» каби хикояларида шундай хусусиятлар учрайди.

Бу даврда яратилган бир катор хикояларда инсон характерини кутилмаган томонлардан туриб курсатишга интилиш кузна ташланади. Бу жихатдан Ш.Холмирзаевнинг «Хумор», «Устоз» каби хикоялари характерлидир.

Бу даврда яратилган хикояларда турлича шаклий - услугбий изланишлар кузга ташланади. Ёзувчиларнинг уз қаҳрамонларига муносабати, бошкачарок айтганда, ёзувчининг позицияси янада тиникрок намоён булиб турадиган асарлар анчагина яратилди. Шу нуктаи назардан Сайд Ахмаднинг хикояларида хикоячи қаҳрамон образининг пайдо булиши хам эътиборни узига тортади. Шунингдек, бу даврда Сайд Ахмад хикояларида хикоячи қаҳрамон образининг катор туркум хикоялар яратди. Бу

хикояларида айрим қаҳрамонлар асардан – асарга утиб юрувчи қаҳрамонлар хисобланади. Масалан, чул туркумига кирган хикояларида шундай тумушида килингандигини кузатиш мумкин. Унинг кишиларимизнинг бардоши, матонати ва олижаноблигини мадх этувчи «Турналар», «Онажонлар», «Хазина» каби хикояларида хам катор бадиий янгиликлар кузга ташланади.

Уткир маънавий – ахлокий масаларни урта куйиш, уларни жиддий ижтимоий масалалар, муаммолар даражасига кутариш, масала моҳиятини изчил, осойишта тахлил этиш, хаётни ва инсон шахсини бутун мураккабликлари хамда зиддиятлари билан курсатиш бу даврда яратилган энг яхши хикояларга хос хусусиятлардандир. Ш.Холмирзаевнинг «Ой ёргугида», У.Хошимовнинг «Дехконнинг бир куни», У.Умарбековнинг «Юлдузлар», У.Назаровнинг «Қаҳратон»каби хикоялари шундай асарлардан хисобланади.

Олдинги ун йилликларда бундай холат текис давом этмаган булса –да , 80-йилларга келиб, мавзусининг мухимлигидан, ташкари қаҳкорона характерлар, жонли образлар яратилган катор хикоялар яратилди. Бу жихатдан, айникса, Ш.Холмирзаев ижоди характерлидир. Унинг «Бодом кишда гуллади», «Битикили тош» каби хикоялари бу жихатдан эътиборни узига тортади.

Узбек хикоячилигидаги услубий изланишлар турли йуналишларда олиб борилди. Масалан, хаётни оддий куз билан кузатганимизда кескин конфликтлар сезилмаслиги мумкин. Шунинг учун хам ёзувчилар инсон хайтининг олдинлар эътибор берилмаган кирраларига диккатни каратишга, тасвирни шу йуналишларда чукурлаштиришга интиладилар. Бу жихатдан С.Зуннунованинг «Ака», О.Ёкубовнинг «Видо», «Аямажуз», О.Мухторнинг «Шахарлик келин» каби хикоялари эътиборни тортади.

Бу давр хикоячилигига характер яратишда максимал даражада аникликкка, ихчам шаклда хаёт хакида кенгрок тасаввур беришга интилиш каби хусусиятлар ажралиб туради. Ш.Холмирзаевнинг «Вагонда» хикояси бунга яхши мисол була олади.

Хозирги давр хикоячилигига характер талкинини хаётнинг бурилиш нукталарида курсатишга мойиллик кучайганлиги сезилади. Қаҳрамонларнинг руҳий дунёси бу асарларда табиий холат ва шароитларда очиб берилган. Бу уз навбатида адабиётни жонли, тулаконлик характерлар билан бойишга олиб келган. Мисоллар: Ш.Холмирзаев – «Хаёт адабий », «Бахор утди», «Кечаги кун кеча».

Бу даврда яратилган айрим хикояларда маъюс – сентиментал талкинга мойиллик аломатлари хам учрайди. Бу жихатдан У.Хошимовнинг «Узбеклар» хикояси характерлидир. Бу хикояни укиётган укувчи оғир бир руҳий холатга тушиши мукаррар. Чунки асардаги тасвир оҳангидан шунга олиб келади. Хикоя деталларга асосланганлиги билан ажралиб туради. Бу ердаги қаҳрамонларни ижобий ва салбийларга ажратиш хам мумкин эмас. Персонажлар бири иккинчисига карши курашмайди хам. Отиной – онанинг тириклигидаги хаёти ва уни сунгги йулга кузатиш маросими угил – Искандар нигохи хамда кечинмалари оркали курсатилади Аҳмаднинг «Сувлар окиб кетди» хикояси хам шундай йуналишдаги асарлардандир.

Бу давр хикоячилигига хос хусусиятлардан яна бири унинг географик катарасининг кенгайганлигидир. Ш.Холмирзаев ва Т.Муроддаги Сурхон воҳасига хос ранг ва оҳанглар, Н.Кобулдаги Айкор тогларидаги корлар хиди, М.Муҳаммад Дустдаги галатепаликларнинг узига хос руҳи узбек насрининг бу кичик лирик шаклини янада бойитишга ранг – баранглаштиришга хизмат килади.

Киссачилик.

Бу даврда повесть жанри хам узига хос ривожланиш йулидан борди. Ҳар йили унлаб бу шаклда намуналар яратилди. Бу йуналишда ижод килган ёзувчилар руйхатининг бошида Ойбек, А.Қаҳхорларнинг номлари туради. Кейинги авлод намояндадаридан Мурод Муҳаммад Дуст, Э.Аъзамов, Тогай Мурод бу жанрда яхши изланишлар олиб

боришиди. Мана шу ун йилликларда яратилган киссаларнинг мавзу доираси кенгайди, шаклий – услугубий жихатлардан анча ранг – баранглашди, бойиди.

А.Каххор 50-йилларнинг урталарида яратилган бир катор хикоялари билан прозамиз ривожида узгариш ясади «Синчалак» повести билан эса ана шу узгаришларни янада юкори погонага кутарди. Кичикина бир киссада 50-йилларнинг иккинчи ярмида пайдо булган мухим ижтимоий – сиёсий узгаришларни, давр рухини ёркин акс эттириди.

А.Мухторнинг «Буронларда бордек халоват», П.Кодировнинг «Мерос» киссаларида меҳнат кишиси образи марказга куйилган. Унга хос булган азалий хислатлар ва шу билан баробар пайдо булган янги фазилатлар чукур бадиий ифодаларга талкин этилган. «Буронларда бордек халоват» повестининг бош каҳрамони Заргаров – ишнинг кузини биладиган одам, инсоний баркамоллик йулида турувчси шахс. Шунинг учун унда биз орзу киладиган, интиладиган бугунги меҳнат кишисига, раҳбар ходимига хос куплаб яхши хислатлар мавжуд. «Мерос»да эса асар каҳрамони Ёлкин образи мисолида пахтакор меҳнатининг хакикий машаккатлари бор холича берилган. Ёзувчи асарда, фидойи шахслар хамиша кадрланишга, эътиборга мухтож, деган фикрни бадиий маҳорат билан уртага куяди. Бу масала бошка киссаларда хам, чунончи, О.Ёкубовнинг «Бир фельетон киссаси», «Канотжуфт булади» асарларида хам кутарилган.

О.Ёкубовнинг «Муқаддас», У.Умарбековнинг «Ёз ёмгири», У.Хошимовнинг «Бахор кайтмайди» киссалари мъянавий – ахлокий масалаларга багишланган. Бу асарлар узининг бадиий таъсир кучи билан бошкалардан ажралиб туради. Бу киссаларда худбинлик инсонни инкизотга, халокатга олиб бориши мумкинлиги таъсирчан ифода этилган.

Бу давр киссачилигига аналитик тасвирга мойиллик кучайганлиги сезилади. О.Ёкубов, У.Умарбеков, У.Хошимов асарларида шундай хусусиятлар мавжуд. У М.Мухаммад Дустнинг «Галатепага кайтиши», «Истефо» киссасиларида янада чукурлашган. Ёзувчи каҳрамонларнинг хаётини, руҳий дунёсини чукур ва атрофлича таҳлил этилган. Бу киссаларда аналитик тасвирнинг янги фазилатлар билан бойигани, унга истехзо, киноя – пичинг каби оҳангларнинг кушилаши асардан олинадиган таъсирни янада оширганини кузатиш мумкин.

50-80 йилларда хажвий киссачилик соҳасида хам айрим изланишлар булди. Бу уринда Саид Ахмаднинг «Гилдирак», Х.Тухтабоевнинг «Жонгинам, шартингни айт», Н.Аминовнинг «Ёлғончи фаришталар» каби асарларини келтириш мумкин. Хусусан, «Ёлғончи фаришталар» киссасида елвизак феъл, суваракмизоз одамларга хос жихатлар фош этилади. Ундаги Ботиржон образи бадиий тип даражасига кутарилган.

Ойбекнинг «Болалик хотиралари», А.Каххорнинг «Утмишдан эртаклар» киссалари хам бу давр адабиётида алоҳида урин тутади. Бу асарлар 10-йилларнинг мураккаб воеаларига багишланган. Уларнинг хар иккисида хам муштараклик мавжуд: аввало, бир даврда кечган воеаларга багишланган, яни мавзуси якин; сунгра ифода услуби жихатидан хам бир- бирiga хамоҳанг, яни ёзувчилар хаётни узларининг болалик йиллари мисолида курсатиб берадилар. Адабий материалдаги якинлик айни чокда улардаги узига хосликка халакит бермаган: Ойбек купрок тасвирда поэтик жихатларга ургу берган булса, А.Каххор икки томонлама зулмдан эзилган одамлар фожиасини очишига интилган.

Шу даврда мавжуд булган тургунлик ва шунга ухшаш иллатларга эга булган совет мағкураси киссачиликнинг тулиқ мъянода ривожланишга халакит берди. Кейинчалик хеч кандай бадиий кийматга эга булмаган «инкилоб» мавзусида давр, шароит талаби билан талай асарлар яратилди. Катор киссаларда хаётнинг уткир, долзарб ижтимоий муаммолари четлаб утилди, ута хусусий, чучмал ишкий ва оиласвий мажароларга, сахта романтик саргузаштларга кенг урин берилди. Чунончи, М.Коревнинг «Афросиёб гузали», «Турналар баланд учади», С.Кароматовнинг «Тог гузали», Т.Жалиловнинг «Олтин кафас», Сайёрнинг «Хулкар», Д.Нурийнинг «Оқшом кушиклари» асарлари шу жумлагага киради. У.Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» киссасида эса китобийлик касали

кузга ташланади. Шунинг учун хам бу асарлар хакида адабий танкидчилик узининг салбий муносабатини билдирган.

Бу даврда тарихий мавзуда хамда Иккинчи жаҳон уруши мавзуида хам бир катор киссалар яратилди. Албатта, уларнинг бадиийлик даражаси бир хил эмас. Лекин ижодий изланишларнинг бу йуналишда хам олиб борилгани мухим ижобий холатлардан хисобланади.

Романчилик.

50-80 йиллар узбек адабиёти ривожига хос етакчи йуналишлар, унинг ютуқ ва камчиликлари роман жанрида хам яккол кузга ташланади. Бу даврда бенихоя куплаб романлар яратилди. Табиийки, уларнинг бадиийлик даражаси турлича. Чунончи, улар орасида уртамиёна, хатто танкидий тахлилга арзимайдиганлари хам анчагина учрайди. Айни чокда шундай романлар хам яратилди, булар узбек адабиёти ривожида узига хос бир боскични ташкил этади.

Роман бадииятида хам янгиликлар пайдо булди. Аньанавий – хронологик тасвир усули билан баробар қаҳрамон хаётининг кискача, тигиз палласини танлаб олиб, характернинг руҳий дунёсини чукур тахлил этишга, фалсафийликка мойил, тасвирда драматизм кескинлиги мавжуд булган полифоник роман намуналари хам яратилди.

П.Кодировнинг «Уч илдиз», А.Мухторнинг «Тугилиш», Шухратнинг «Олтин зангламас» романларида шахсга сигиниш, дагматизм, ҳалол ва ижодий фикрлайдиган одамлар бошига тушган оғир савдолар муйян кишилар образи оркали акс эттирилди. Х. Гуломнинг «Бинафша атри», Мирмуҳсиннинг «Умид», П.Кодировнинг «Кора кузлар», «Олмос камар», Одил Екубовнинг «Диенат», У.Хошимовнинг «Нур борки, соя бор», Ш.Холмирзаевнинг «Сунгги бекат», У.Усмоновнинг «Гирдоб» романларида 60-70 йиллардаги ҳалкимиз хаётининг долзарб муаммолари акс этди. Кейинчалик субъективизм, тургунлик мағкураси ва психологияси деб кораланган салбий ҳодисалар, муайян катлам кишиларига хос маънавий мухит, мешчанлик кайфияти кескин кораланди. Иштимоий адолат, бурч, виждон, диенат, маънавий эътиқод масалалари кескин килиб куйилди.

80-йилларнинг иккинчи ярмида яратилган О.Екубовнинг «Ок күшлар, оппок күшлар», Саид Ахмаднинг «Жимжитлик» М. Мухаммад Дустнинг «Лолазор», Н. Кобулнинг «Унитилган соҳиллар» романларида тургунлик йилларининг мураккаб воеалари хакида суз боради ..

Бу даврда Иккинчи жаҳон уриши даврига багишлиб хам катор романлар яратилди. Уларни икки йуналишга ажратиш мумкин : Биринчиси, бевосита жанг воеаларига багишланган романлар (Ойбекнинг «Куёш кораймас», Шухранинг «Шинелли йиллар» каби асарлари) : иккинчиси, мамлакат ичкариси – уша даврдаги Узбекистондаги ҳаётга багишланган романлар (Саид Ахмаднинг «Хижрон кунларида» («Уфқ»дан), О.Ёкубовнинг «Эр бошига иш тушса...», Р.Файзийнинг «Хазрати инсон» асарлари каби).

Бу даврда яратилган яна шундай романлар хам борки, уларнинг айнан мана шу даврга багишланган дейиш кийин. Уларда ҳалкимизнинг маълум бир даврда босиб утган ҳаёти йули, тажрибаси бадиий- фалсафий тарзда умумлаштиришга ҳаракат килинади. А.Мухторнинг «Давр менинг такдиримда», «Чинор», Саид Ахмаднинг «Уфқ», У.Хошимовнинг «Икки эшик ораси» асарлари бунга мисол булади олади.

Шу даврга келиб, узбек тарихий романчилиги ривожи янги боскичга кутарилди. Узок утмишда яшаган буюк шахслар, аждодларимизнинг мураккаб тарихий кечмиши зур бадиий маҳоарт билан очиб берилган бир катор намуналар яратилди. О.Ёкубовнинг «Улугбек хазинаси», «Кухна дунё», П.Кодировнинг «Юлдузли тунлар», Мирмуҳусунининг «Мемор» каби романлари шу жумлага киради.

Назорати топшириклари

1.1.1. Бу даврда янги бадиий тафаккурнинг махсуси сифатида кандай асарлар яратилди?

- 1.1.2. Бу давр хикоячилигига инсон характерини курсатишда кандай изланишлар кузга ташланади?
 - 1.1.3. Хикоячиликда кандай шаклий изланишларни кузатиш мумкин?
 - 1.1.4. Инсон хаёти уткир ижтимоий муаммолар билан биргаликда курсатилган кандай хикоялар яратилди?
 - 1.1.5. Бу давр хикоясигига услубий изланишлар кандай кечди?
- 2.2.1. Шу давр киссачилиги тараккиётида ёзувчиларнинг турли авлоди вакиллари кандай иштирок этди?
 - 2.2.2. А.Каххорнинг «Синчалак» повести бу давр киссачилигига кандай ахамиятга эга булди?
 - 2.2.3. Бу давр киссачилигига меҳнат кишиси образи маҳорат билан яратилган кандай асар мавжуд?
 - 2.2.4. Маннавий-ахлоқий мавзуда кандай яхши асарлар яратилди?
 - 2.2.5. Бу даврда аналитик тасвирга мойиллик кайси асарларда кузга ташланиб туради?
- 2.3.1. Тургунлик йилларидаги хаёт муаммолари акс этган асарлар кайси жавобда тугри курсатилган?
 - A. «Уч илдиз», «Тугилиш», «Олтин зангламас».
 - B. «Бинафша атри», «Умид», «Кора кузлар».
 - C. «Ок кушлар, оппок кушлар», «Жимжитлик», «Лолазор»
 - 2.3.2. Уруш давридаги ёшлар образи бош мавзу сифатида кайси асарда олинган?
 - A. «Уфк»
 - B. «Хазрати инсон»
 - C. «Эр бошига иш тушса...»
 - 2.3.3. Меймор Фазлиддин образи кайси тарихий романда берилган.
 - A. «Улугбек хазинаси».
 - B. «Юлдузли тунлар»
 - C. «Меймор».

З асосий масала.

- 1.3. Назм (поэзия).

Уқитувчининг максади:

50-80 йиллар адабиётидаги бу мухим йуналиш хакида талабаларга тушунча бериш ва шу йул билан улардаги билим куникмасини чукурлаштириш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1.1. Поэзия тараккиёти билан прозанинг ривожини талаба узаро таккослаб куради.
- 1.1.2. Наср ва назм тараккиётини умумлаштириб, шундан адабиётнинг ривожига тааллукли хулосалар чиқаради.
- 1.1.3. Адабиётдаги бу икки соҳа ривожи оркали ижодий маҳорат масалаларига эътибор каратади.

3 – асосий масаланинг баёни:

Назм (поэзия).

Лирика.

Ижтимоий хаётда янгича рухнинг пайдо була бошлиши узбек шеъриятида муайян узгаришларнинг юзага келишида мухим ахамиятга эга булди. Хусусан, 60- йилларнинг бошларида бу жихат якколрок кузга ташлана бошлади.

Бу давр поэзиясида Ватан, она – юрт хакида, уни хар жихатдан идеалга мос ва мувофик холда куриш орзузи билан йугрилган шеърлар алохида бир йуналишни ташкил этади. Айникса, бу йуналишнинг салмоги Оролга багишланган шеърларда янада якколрок сезилади. Э. Вохидовнинг «Сирдаё улани», А. Ориповнинг «Орол учун», Х.Хузайбердиеванинг «Сирдарё билан сухбат» Ш.Рахмоннинг «Оролга» каби шеърларини бу уринда келтириш мумкин.

Ушбу ун йилликларда халкаро микиёсдаги воеаларга муносабат билдириш хам узбек шеъриятидан кенг урин эгаллади. Булар халкимизга хос умуминсоний туйгуларнинг ифодаси тарзида юзага келган шеърлардир, дейилса тугри булади. Ойбекнинг «Каптарлар, о капитарлар», Г.Гуломнинг «Она кизим Жамилага», М.Шайхзоданинг «Шоир калби дунёни тинглар», Зулфиянинг «Салом, Миср», А.Мухторнинг «Тушларим, безовта тушларим» каби шеърлари бунга мисол була олади. Бу йуналишни айрим ижодкорларнинг сафар, саёхат таассуротлари асосида яратилган туркум шеърлари янада салмоклирок кузга ташланишини таъминлаган. Масалан, Э.Вохидовнинг 1977 йилда Америкага килган саёхати натижасида «Аукцион», «Арслон ургатувчи», «Алишер Навоий кемаси», «Унутиш кушиги», «Сармоядор», «Кучачетидаги аёл» каби шеърлари юзага келди. 1979 йилда О.Матжон АКШга саёхат килиб, «Плейзликларнинг антика ирими», «Клод Моне чизган манзаралар», «Плейз шахрининг таърифи», «Ок уйда Жон Кеннеди портрети», «Нью-Йоркда мендай бир зот» каби катор шеърлар яратиди. А.Орипов («Калифорнияда чойхурлик»), Р.Парфи («Пабло Неруда улимига»), Т.Каххор («Чилилик кувгинди кундалигидан парчалар») каби шоирлар хам бу йуналишда айрим асарлар ёздилар.

Бу йилларда замон ва бурч, ахлок ва ахлоксизлик, меҳр – оқибат ва бефарқлик, садокат ва хиёнат, олижаноблик ва ёвузлик, ишонч ва гумон каби мухим инсоний кечинмаларни шеърга солиш майли хам кучайди. Бу – бежиз эмас. Чунки хаётнинг узида бундай йуналишга туртки берадиган холатлар етарли даражада эди. бинобарин, бу йуналиш Шукрулло, С.Зуннунова каби шоирлар ижодида салмокли урин эгаллади. Хусусан, Шукруллонинг «Инсон ва яхшилик », «Шарпалар», «Унутиш», «Садокат», «Учрашув», С.Зуннунованинг «Баъзан хаёлимга чирмashiб олиб», «Ёмгир шовиллайди», «Мен яхши биламан», «Сени менга ёмон деса ким» каби катор шеърлари бунга мисол булади.

Бу давр узбек шеъриятида севги ва садокат туйгуларига багишланган асарлар руйхати алохида урин эгаллади. Хусусан, бундай туйгуларнинг утган уруш фожиалари мисолида берилиши узгача бир манзараларда намоён булади. А.Ориповнинг «Аёл», Х.Худойбердлиеванинг «Кайтмайман», «Она садокати ва угил армони киссаси», О.Хожиеванинг «Сангиной киссаси», «Гудсум хола согинчи», У.Азимовнинг «Самандар», «Марсия» каби шеърлари бу йуналишдаги ижодий изланишларнинг намуналаридир.

Севги ва мухаббат мавзуи хам бу йилларда кенг ишланди. Бу жихатдан Шухратнинг поэтик изланишлари айрича кузга ташланиб туради. Унинг «Рашк», «Хали хам ушасан», «Умид», «Боиси узинг» каби катор шеърларида бу туйгулар самимий ифодаланган. А.Мухторнинг «Ишончиз кадамлар», «Аминман», «Чиганок ва жавохир» каби шеърларида севги билан боглик туйгулар ихчам сатрларда ва сермъяно деталларда ифодаланди. А.Ориповнинг «Эслаш», «Касамдара», «Сен баҳорни согинмадингми?», «Мухаббат», «Севги улими», «Биринчи мухаббатим» каби шеърларида бу туйгуларнинг яна бир мухим кирраси – изтироб туйгулари улкан бир маҳорат билан ифодаланди. Бу йуналишда О.Матжон хам унумли ижод килди. Унинг «Кимнидир ахтардим», «Кузгарингни яширма мендан», «Юлдузлар», «Эшигингдан утарман хар кун», «Хаёлимда яшар бир нарғис» каби шеърлари, шунингдек, 12 та шеърни уз ичига «Сени яхши

кураман» туркуми шу мавзуга багишлангандир. Умуман, бундай шеърларни шу даврда ижод килган хамма шоирлардан келтириш мумкин.

Бу даврда турли рамзий ишораларга бой шеърлар хам куплаб яратилди. Олдинлари рамзий тасвиirlар шеър ичида образ – деталлар сифатида куриниб келган булса, бу даврда шеърни бошдан оёк рамзий образ асосига куриш майли кучайди. А.Мухторнинг («Урок ва болга»), «Хазон», «Товушлар», «Нихол», «Китоб чиккан соат», «Бойчечак», «Арча ва Олча», «Кушча» каби катор миниатюралари ана шундай рамзий шеърлардир. Э.Вохидовнинг «Куча уртасида бир синик шиша», А.Ориповнинг «Тилла баликча» каби шеъриларида хам рамзий ифода етакчилик килади.

50 – 80 йиллар шеъриятида хажвий йуналиш хам муайян урин тутади. Бу йуналишда С.Абдукаххор, О.Кучкорбеков, Я.Курбон каби масалчи шоирлар, Уйгун, С.Абдулла, А.Мухтор, Э.Вохидов каби лирик шоирлар салмокли ижод килишди. Шоирларимиз бундай асарларини турли шакл ва усуллардан фойдаланган холда яратишиди. Чунончи, С. Абдула арузнинг маснавий, газал, мухаммас каби поэтик шаклларидан фойдаланди. Унинг «Такасалтанг», «Порахур», «Насихатнома», «Истарам» каби асарлари бунга мисол була олади. Бундай шакл ва усулларда ёзиш Э.Вохидов ижодида хам куринади. Шоирнинг «Соч мадхи», «Насихат», «Бошимдадир», «Мажлис килинг», «Манфаат фалсафаси» каби шеърлари бунинг исботидир. Э.Вохидовнинг «Дониш кишлоги латифалари» туркуми хам бу давр хажвий лирикасида уз урнига эгадир. А.Мухторнинг хажвий лирикасида бошка бир жихат – психологик талкиннинг кучлилиги, серкирралиги ажралиб туради. Унинг «Теримда», «Чолу кампирлар», «Мис калпокли йигит», «Оталарга маслаҳат » каби шеърлар хушчакчак кулгига, «Шурлик », «Каттамиз», «Карга» каби шеърлари аччик захархандага бойлиги билан диккатини тортади. А.Орипов, О.Матжонларнинг хажвий шеърлари у кадар куп булмаса – да , уларда кулгидан фош килиш ёки хушчакчак бир кайфият яратиш воситаси сифатида фойдаланиш хусусияти яккол кузга ташланиб туради. Бу уринда А.Ориповнинг «Хангома», «Тулки фалсафаси», «Миш - миш», «Илтимос», О.Матжоннинг «Хафа Хуроз», «Давроншохнинг сурати», «Самаркандлик куёв» каби шеърларини келтириш мумкин.

Бу давр лирикасида шакл соҳасида изланишлар тез – тез кузга ташланиб турди. Масалан, газалчиликда С.Абдулла, Хабибий, Чархий, В.Сайдулла ва кейинги авлод вакилларидан С.Зуннунова, Э.Вохидов, Ж.Камол каби катор шоирлар тажрибалар килиб турдилар. Рубоий жанрида эса М.Шайхзода, Р.Бобоҷон, А.Мухтор, Т.Йулдош каби ижодкорлар турли намуналар яратдилар. Сонетчиликда Б.Бойкобилов анчагина тажрибалар олиб борди. Р.Парфи эса катор сонетлар ижод этиш билан бирга япон шеъриятидаги танка ва хокку каби жанрларни узбек шеъриятига тадбик этишга хам харакат килди.

Поэмачилик.

50-80 йиллар поэмачилигига тарихий тараккиётнинг турли боскичларидағи вокеа – ходисаларни лиро-эпик йуналишда тадқик этишга, турли даврда яшаган аждодларимиз образини яратишига интилиш кучайди. Уларда, албатта, кайсиидир даражада уша найтдаги хукмрон мағқуранинг таъсири сезилади. Буни инкор этиб булмайди. Лекин айни чоқда уларда узининг бадиийлик даражаси билан мағқура чизикларидан юкори кутарилишга эришишга муаллифлар муаваффак булган уринлар купроп учрайди. Шу мъянода хар кандай чеклашларга карамай бу асарларда утмишнинг ҳакконий манзараси тасвирига дуч келамиз. Ойбекнинг «Гули ва Навоий», Мирмуҳсиннинг «Широк», М.Алининг «Машраб», «Гумбаздаги нур», О.Матжоннинг «Пахлавон Махмуд», А. Ориповнинг «Ҳаким ва Ажал» каби асарлари шундай достонлар сирасига киради.

Бу даврда маънавий-ахлокий мавзуларда ёзилган, бу йуналишда юксак гояларни таргиб этадиган катор поэмалар хам яратилди Хамид Гуломнинг «Лола кул», М.Бобоевнинг «Она калби», С.Зуннунованинг «Рух билан сухбат», С.Акбариининг «Менинг махаллам», Д.Файзийнинг «Онаизор» каби асарлари шу жумлага киради.

Айрим шоирларимиз тасвир майдонини кенг олиб, умумбашарий фожиалар хакида хам поэмалар яратишиди. Х.Гуломнинг «Амазонка кушиги», Ойбекнинг «Даврим жарохати», Э.Вохидовнинг «Рухлар исёни» асарлари ана шундай руйхатга кирувчи достонлардир.

Бу даврда яна шундай поэмалар хам яратилдики, улардаги композицион тузилиш хам, туйгулар ифодаси хам гоят мураккабдир. Шунинг учун хам уларда тасвир гоят мураккаб тулкинларда олиб борилади, каҳрамонларнинг руҳий дунёси кескин хаётин вазиятларда очиб берилади. Э.Вохидовнинг «Нидо», Миртемирнинг «Сурат», О.Матжоннинг «Гаплашадиган вактлар» достонлари ана шундай асарлар сирасига киради.

Назорат топшириклари.

- 1.1.1. Ҳаётдаги янгича рух назмда кай тарзда уз ифодасини топа боради?
 - 1.1.2. Бу давр шеъриятида халкаро мавзу кандай ифодаланди?
 - 1.1.3. Бу давр шеъриятида маънавий- ахлокий масалалар талкини кандай урин тутади?
 - 1.1.4. Ушбу давр шеъриятида севги ва садокат мавзусида кандай шеърлар яратилди?
 - 1.1.5. Шу даврда хажвий шеърият адабий жараёнда кандай урин тутди?
 - 3.2.1. Шу давр шеъриятида шаклий изланишлар кандай кечди:
 - 3.2.2. Шеъриятда рамзийликнинг ахамияти бу даврда кай тарзда намоён булади?
 - 3.2.3. Бу давр поэмачилигига мавзу ранг –баранглиги кандай?
 - 3.2.4. Бу поэмаларнинг яратилиши жараёнида мағкурунинг таъсир даражаси каерларда сезилади?
 - 3.2.5. Шу даврда маънавий ахлокий мавзуда кандай поэмалар яратилди?
 - 3.2.6. Хорижий мавзуда ёзилган ушбу поэмаларнинг ёзилган кайси бирида халкнинг эрки йулида курбон булган шоир кисмати акс этган?
- А. «Амазонка кушиги »(Х.Гулом).
Б.«Даврим жарохати» (Ойбек).
С.»Рухлар исёни» (Э.Вохидов)
- 3.3.2. Севган кишисига хиёнат килиш хакидаги тасвир куйидаги асарларнинг кайси бирида асосий сюжет йуналишини ташкил этади?
 - А. «Нидо»(Э.Вохидов).
 - Б. «Сурат» (Миртемир).
 - С. «Гаплашадиган вактлар» (О.Матжон).

4 – асосий масала

4.1.Драматургия.

Укитувчининг максади: Урганилаётган давр адабиётининг навбатдаги мухим йуналиши билан талабаларни таништириш. Адабиётнинг ривожини тасаввур килишда бу соҳа хам катта ахамиятга эга эканини уларга англатиш.

Идентив укув максадлари:

- 4.1.1. Драматургиянинг узига хос жихатларини янада чуккурок англайди.

- 4.1.2. Унинг ички йуналишларини аниклаб олади.
- 4.1.3. Драматургиядаги тасвирнинг хаётга якинлигига эътибор каратади.
- 4.1.4. Бу соҳа тараккиётини бошка йуналишлар билан таккослаб, умумлаштиради.

4- асосий масаланинг баёни.

50-80 йиллар узбек драматургияси тараккиётини «конфликтсизлик » назарияси асоратидан кутилиш учун интилиш, харакат булган давр сифатида характерлаш мумкин. Чунки бу даврда истедодли ёзувчилар адабиёда воеа буладиган асарлар хам яратишиди. Лекин айни чокда бадиий жихатдан буш, уртамиёна асарлар хам яратилди. Буни ушбу ракамдан хам билса булади: шу даврда жами тахминин юздан ортик пьесалар ёзилди; шундан ижобий баҳога сазовор булгани ун – ун бештадан ошмайди.

Халк такдирини курсатувчи, даврнинг бош ва илгор йуналиши, рухини узида мужассамлаштирган курашchan ижобий қахрамонларни гавдалантирган, воеаликдаги кескин зиддиятларни ҳакконий таҳлил килиш оркали тараккиётнинг олга томон одимини катта истебод, маҳорат билан тадқик этган асарлар бу давр драматургиясининг ривожини таъминлади. А Қаххорнинг «Тобутдан товуш» (1962) сатирик комедиясининг пайдо булиши мусаффо осмонда пайдо булган момакалдирикдек таассурот колдирди. Шунинг учун уша шароитда бу асарнинг такдири оғир кечди. У унчалик куп утмасдан сахнадан олиб ташланди ва орадан чорак асрча вакт утгандан кейингина ҳалкка кайтарилди. Бу асар тургунлик даврида авж ола бошлаган пораҳурлик иллатига багишланган эди.

Кейинги ун йиллклар драматургиясида асосий эътибор шахс маънавияти, виждони, унинг жамият олдидаги бурчи масаласига каратишга харакат килинганлиги сезилади. Драматурглар маънавият масаласини шахснинг шаклланиши, камолати билан боялаб талкин килишга интилдилар. Уйгуннинг «Хуррият» (1958), «Парвона» (1966) каби асарларида бу масала турлича талкин усулида – драма ва комедия жанрлари имкониятларидан келиб чиқилган холда берилади. И.Султоннинг «Имон» (1960), «Номаълум киши» пеъссаларида эса бу янада янгичарок усул ва воситаларда берилади. Бу асарларда драматург ота – бола уртасидаги конфликтни тасвир марказига куйишга интилади. Мазкур усул инсон характерини янада мураккаб холатларда очиш имконини беради. («Имон»: Санжар – отаси Комилов ; «Номаълум киши »: Тургуной – отаси Фазлиддин). Бу даврнинг 70-йилларига келиб, таникли прозаик У.Умарбеков драматургияда уз қаламини синаб курди. У «Комиссия» (1974), «Киёмат карз » (1976), «Шошма, куёш» (1978), «Кузнинг биринчи куни » (1981), «Аризасига кура» (1982) каби катор драматик асарлар ёзди. Бу драмаларнинг хаммасининг хам асосида маънавий – ахлокий масалалар туради. Қахрамонлар калтис холат ва вазиятларда синовдан утказилади, фожиали ва мураккаб воеалар мисолида инсон характери руҳий жихатдан очиб беришга харакат килинади. Публицистик руҳ, очик дидактика ва лирик оҳанг унинг драмаларининг ажралиб турадиган фазилатларидир.

50-80 йилар драматургиясида мухим хаётий проблемалар куйила бошлади, хаётнинг мураккаб жихатлари, айникса , инсоннинг руҳий, маънавий изланишларини тадқик этишга интилиш кучайди. Драматурглар усишга ҳалакит берадиган иллатларни теранрок ургана бошладилар. Лекин бу йилда килинаётган ишлар, олиб борилаётган изланишлар хамма вакт хам бир текистда кетди, деб булмайди. Масалан, шу фикрни комедия жанрига тадбик этадиган булсак бу даврда унлаб бу жанрда асарлар яратиди. Ҳ. Гуломнинг «Тошболта ошик» (1962), Р.Бобоҷоннинг «Тога - жиянлар» (1960), Уйгуннинг «Лакма » (1971), Шуҳратнинг «Беш кунлик куёв» (1970) каби бир катор асарлар , гарчи сахналаштирилган булишига қарамай, у кадар муваффакият козона олмади. Факат бу йуналишдаги уч – туртта комедиягина ҳалкка манзур булди, адабиётимиз хазинасидан урин олди. Шундай асарлар руйхатида А. Қаххорнинг

«Аяжонларим» (1967), Э.Вохидовнинг «Олтин девор» (1970), Сайд Ахмаднинг «Келинлар кузголони» (1976) каби комедиялари бор. Бу асарлар ижтимоий мазмуннинг уткирлиги, комик характерларнинг ёркинлиги, кулгисининг хайтбахшлиги билан томошибинларга манзур булди. Уларда шахснинг иллатлардан тозаланиши, маънавий ва руҳий эркинликка эришиши ҳакконий акс эттирилгани мазкур асарларнинг муваффакиятини таъминлади.

Ушбу даврда тарихий шахслар, тарихий воеалар асос килиб олинган асарлар хам яратилди. Булардан Уйгуннинг «Абу Али Ибн Сино», «Абу Райхон Беруний», «Зебунисо», И.Султоннинг «Донишманднинг ёшлиги», Т.Туланинг «Кувваи қаҳкана» каби асарларини келтириш мумкин. Бу асарларда утмишнинг у ёки бу даврининг манзараси, жамиятдаги маънавий холат, ҳалкнинг эрк ва адолат учун олиб борган кураши тасвирлашга харакат килинган. Тугри, бу асарларнинг хаммаси бир хил даражада эмас. Уларнинг айримларида яхлит драмати харакат етишмайди, баъзиларида сюжет чизиги, конфликт характери, персонажлар киёфасида янгилик у кадар сезилмайди. Шундай булса-да, бу асарлар шу давр драматургиясининг умумий манзарасида кузга ташланиб турадиган асарлардир.

Тарихий мавзудаги асарлар орасида М.Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» (1961) трагедиясининг алоҳида урни бор. Трагедиядаги бош қаҳрамон образи мисолида муаллиф маърифатпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик туйгуларини тарғиб этади. Вахшийлик, жаҳолат, тубанлик, мутелик, адолатсизлик, нопоклик кабиларни эса коралайди. Асарда М.Шайхзода Улугбекнинг трагик холатини, характерига хос кирраларни очишга хизмат этадиган кучли ва ёркин сахналар яратишга эришган. Лекин бу асарга хозирги мустакиллик кунларимиздан туриб назар соладиган булсак, унда совет мағкураси талаблари билан яратилган сахналар ва талкинлар хам бор эканлиги аён булади. Чунончи, Улугбекнинг Темур бобосининг арвохи билан учрашуви берилган рамзий сахнада унинг «Шоҳлар бурчи яшатмокми ёки улимми? Кувват нима? Муруватми ёки зулмми?»дека бобосидан маслаҳат сурасига Амир Темур «Инсоннинг тарихининг калами шамшири», «Кимки сенга бош эгмаса, бошин узмок» деган жавобларни беради. Бунда уша пайтда хукмрон булган мағкура талаби, яъни Амир Темурга нисбатан факат салбий муносабатда булиш тамойили сезилиб туради. Аммо шунга қарамай мазкур драманинг 50-80 йиллар драматургияси тараккиётida узига хос урни бор.

Умуман, бу давр драматургиясида гоявий – бадиий жиҳатдан изланишлар яккол кузга ташланиб туради. Бу асарларнинг ҳалкимизнинг маънавий камолатида муносиб урни булди, деган гапни бемалол айтиш мумкин.

Назорат топшириклари.

- 4.1.1. Бу давр драматургиясида кандай салбий иллат изи сезилади?
- 4.1.2. Бу давр драматургиясида кандай умумий манзара кузга ташланади?
- 4.1.3. Шу давр ҳаётидаги иллатларга кескин муносабат билдирувчи кандай асарлар пайдо булди?
- 4.1.4. Шахс маънавияти ҳакида кандай сахна асарлари яратилди?
- 4.1.5. Бу мавзудаги асарларда кандай усул ва воситаларадан фойдаланилди?
- 4.2.1. Ушбу давр драматургияси ривожида У.Умарбеков асарлари кандайурин тутади?
- 4.2.2. Комедия жанрининг ривожида шу даврда кандай камчиликлар кузга ташланади
- 4.2.3. Бу давр драматургиясида тарихий мавзу кандай урин тутади?
- 4.2.4. Уларга хос кандай камчиликларни кузатиш мумкин?
- 4.2.5. Трагедия жанри бу давр драматургиясида кандай мавкега эга булди.
- 4.3.1. Илмдаги угирлик иллатлари кайси асарда фош этилади?
 - А. «Парвона» (Уйгун).
 - Б. «Имон» (И.Султон).

- С. «Киёмат карз» (У.Умарбеков).
- 4.3.2. Оилада ахиллик ва поклик масласи кайси асарда бош мавзу сифатида берилган?
- А. «Аяжонларим» (А.Каххор).
Б. «Олтин девор» (Э.Вохидов).
С. «Келинлар кузголони» (Сайд Ахмад).

Адабиётлар.

1. Муаллифлар жамоаси XX аср узбек адабиёти тарихи. Т., «Укитувчи » 1999 йил.
2. Н.Каримов. XX аср узбек адабиёти таракиётининг узига хос хусусиятлари ва миллий истиклол мафкураси . Т. 1993 йил.
3. С.Мирзаев, С.Шермухаммедов. «Хозирги замон узбек адабиёти тарихи» Т., «Укитувчи», 1993 йил.
4. О.Шарофиддинов. Сардафттар сахифалари. Т., «Ёзувчи» 1999 йил.
5. И.Гафуров. Уттиз йил изҳори. Т., Г.Гулом нашриёти, 1989 йил.

Мавзу: Зулфия.

Мавзу режаси.

1. Зулфиянинг хаёти.
2. Шоира шеъриятининг мавзулари ва узига хос хусусиятлари.
3. Зулфия достонлари.

Мавзудаги таянч тушунчалар:

Интеликтуал ва психологик шеърият, фожиавий коллизия, шеъриятда куп овозилик ва сероханглик, шеъриятда вокейлик, рухий тарих, хижрон мотивлари, холат ва туйгуларни типиклаштириш, шеърда бахт ва бахтсизлик хамда кувонч ва гам ифодаси, шеърий туркум, лирикада аёл калби ифодаси.

Асосий масала

- 1.1. Зулфия.

Укитувчининг максади:

Талабаларга узбек шеъриятининг бу атоли намояндаси ижоди хакида тушунча бериш. Унинг хаётининг ибратли томонлларига эътиборини тортиш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1.1. Зулфиянинг XX аср узбек адабиётида тутган урнига эътибор каратади.
- 1.1.2. Зулфия ижодига хос хусусиятларни аниклаб боради.
- 1.1.3. Зулфия ижодини урни билан бошқа ёзувчилар билан солиштиради.
- 1.1.4. Зулфиянинг инсон садоқат хакида фикрлар билдиради. Ижоди ва хаёти мисолида.

Асосий масала баёни

Зулфия Истроилова 1915 йилнинг 1 марта Тошкентда тугилди. Зулфия оиланинг кенжা фарзанди булган. Унинг турт акаси турли майсул лавозимларда ишлаган ва катагон йилларнинг каҳрига дучор булган. Зулфия хотин – кизлар педагогика билим юритида ташсил олган (1931-1934 йиллар). Зулфиянинг илк шеъри – «Кизил дурра» паранжи

ташлаб, кизил дурра урай бошлаган аёллар хаётига багишланган. 1935 йилда у хаётини шоир X.Олимжон билан бөглаган. 1944 йилда Зулфиянинг бошига оғир мусибат тушди – умр йулдоши X.Олимжон автомабил халокатига учраб, хаётдан бевакт куз юмди. У узок йиллар «Саодат» журналида (олдин у «Узбекистон хотин - кизлари» деб аталган) бош мухаррир булиб ишлади (1953- 1980). Зулфия 1996 йилнинг 1 - августидаги вафот этди.

Шоира узининг узок йиллик ижодий фаолияти давомида куплаб китоблар нашр эттириди. Булар куйидагилар: «Хаёт варакалари» (1932), «Кизлар кушиги» (1939), «Уни Фарход дер эдилар» (1943), «Хижрон кунларида» (1944), «Хулкор» (1947), «Мен тонгни куйлайман» (1950), «Юрагимга якин кишилар » (1958), «Танланган асарлар» (1959), «Куйларим сизга» (1965), «Уйлар» (1969), «Лолакизгалдок » (1970), «Куёшли калам» (1971), «Висол» ва х.к.

Унинг 1974 – 1975 йилларда икки жилдлик «Асарлар»и, 1985-1986 йилларда уч жилдлик «Асарлари» нашр этилган.

Зулфия лирикасини интеллектуал ва психологик шеърият дейиш мумкин. Чунки унда теран фикр жушкун хиссиёт билан уйгунлашиб кетган. Шоира шеърларидаги хиссиёт окими фожиавий коллизиялар чуккисигача усив, ривожланиб боради. Лекин у, гарчи шундай мунаккаб жараёнларни уз ичига олса – да, тушкунлик руҳидаги шеърият эмас. Балки аксинча маънавий бой, рухан тетик лирик қаҳрамонига эга булган хаётбахш ва мардона шеъриятдир. Шоиранинг шеъриларида вокелик ва инсон такдири кечаги куни, бугунги ва эртаси билан идрок этилади. Унинг ижодида «хотира», «такдирдош», «юрагимга якин кишилар», «келажак» каби тушунчалар гоят мухим ахамият касб этади.

«Мен шеърларимни бир мавзу атрофида чекланиб колишини истамайман», деганди Зулфия. Дархакикат, шоира лирикаси куп овозли ва сероҳангdir. Бу охангларнинг энг мухимини шодлик ва гам, хижрон ва фожиавийлак ташкил этади. Зулфия уз шеъриятининг куп овозли эканини «Сен ток эмас – икки турли соз, куш канот – ла киласан парвоз» ёки «Хижронинг калбимда, созинг кулимда» кабилида шеърий йул билан хам бир неча бор таъкидлайди. Бу жихат шоиранинг ижодий принципи даражасига кутарилган. Унинг лирикасидаги шодлик ва кутаринкилик оханглари, шубҳасиз, X.Олимжон ижодига хос булган йуналиш билан бөгланади. Фожиавий оханглар эса, табиийки, унинг бошига тушган мусибатлар, хаётда узи дуч келган изтиробли вокеалар таъсирида юзага келган. Бу жихатлар бирикиб Зулфия шеъриларидаги бир узига хосликни, вокеавийликни келтириб чикарган.

«Назаримда, шоирлар уз таржимаи холларини ёзмасликлари жоиз. Негаки, шоирлар хакида шеърлари тавсиф беради, улар хакида хамма нарсани айтиб бермаса хам, ижодларида хаётларининг купчилик томонларини шарх этиб беришга кодир шеърлар булади », деб ёзган эди. Зулфия. Бошка бир жойда шоира «Хулкар » китоби муносабати билан «Мен бу шеърларга уз рухий тарихимнинг бир парчасини жойлаштира бошладим, бу парчанинг уз тугуни, кульминацияси ва ечими бор эди», деган эди. Шерларга бундай «рухий тарих»ни жойлаш тасвирга аниклик ва ёркинлик, лирик қаҳрамон киёфасига эса чукур хаётийлик багишилайди. Шоира уз бошидан кечирганларини, хаётий тажрибаларини, рухий ва хиссий холатларини, калб зарбларини бериш, тахлил этиш оркали кенг оламга ва кишиларнинг калбига чукур кириб борди. Бу айникса, X.Олимжоннинг фожиали улими муносабати билан кенг ва теран ишланган хижрон мотивидаги шеърларида яккол сезилади. Шоира ижодига хос яна бир узига хос жихатни эътибордан сокит килиб булмайди. Аслида хижрон мотивлари Зулфия шеъриятида X.Олимжон вафотига кадар бошланган эди. Аникроги, урушнинг дастлабки йилларидаги айрилик ва хижрон билан бөглик холатлар унинг шеърларига шундай йуналиш берган эди. Зулфиянинг «Хижрон» шеъри, «Уни Фарход дер эдилар», «Хижрон кунларида » китоблари X.Олимжон таҳририда нашр этилган эди. Фарқ шундаки, шоиранинг «Хижрон» тушунчаси хакидаги карашларига хаёт, вокелик жиддий таҳrir киритди. Олдинлари «Бу хижрон мангумас, висоли хам бор» деган бир рухий кайфиятда булган шоира мангу хижрон билан узи юзма – юз келди.

Зулфиянинг «Голиблар кайтганда» (1945), «Углим, сира булмайди уруш», (1954) номли шеърлари бор. Бу шеърлар, гарчи турли йилларда ёзилган булса – да, уларни бир – бирига бошлаб турадиган иплар бордек. Чунки хар иккала шеърда хам уруш туфайли хаётдаги энг якин кишиси – умр йулдошини йукотган аёллар образи берилган. Лекин хар кайси шеърдаги лирик қахрамон образи гоят узига хос холат ва воситалар оркали ифодаланган. Бу шеърларда шоира узгаларнинг шодлик ва гамини узиникидек хис этади, узиникини эса ҳалкниги кушиб юборади. Шу тарзда Зулфия бундай мураккаб инсоний холат ва туйгуларни типиклаштиради. Шунинг учун хам Зулфиянинг хижрон мавзуидаги асарлари чин севги ва вафо, инсоннинг катта бахти ва ёрига чексиз садокати, оғир йукотиш ва чексиз куйиниш, уруш ва хижрон, мардлик ва жасорат, хаёт ва улим уртасидаги кураш, Ватан ва бурч, утмиш, бугун ва эрта, инсон такдири, унинг руҳий олами билан boglik хилма – хил хис – туйгу, кечинма, фикр – уйлар, орзу – армонлар тугрисидаги асарлар сифатида ардокланади.

Зулфиянинг кейинги йилларида ёзган «Мен тонгни куйлайман», «Юрагимга якин кишилар», «Уйлар», «Висол», «Йиллар, йиллар», «Азиз туйгулар», «Тонг билан шом аро» каби шеърларида хам замонамиз ва замондошларимиз калби бутун мураккаблиги билан, айни чокда хаётбахш, антиистик рухининг кучли мавжи билан тасвирланди. Шоира ижодининг бошидан охирига кадар инсон такдиридаги икки асосий кутбни – бахт ва бахтсизликни, кувонч ва гамни бир бутунликда ва идрок этди. Шу иккилик унинг лирикасининг фожиавий асоси – бош коллизиясини белгилайди. Унинг «Укувчимга», «Умид кутаман», «Куёш узиб бер», «Табиатга исён», «Долгали бир хаёт...» каби шеърларида шундай ижодий принципга амал килингани сезилиб туради. Лекин шоира бу иккиликнинг доимий билшини истамайди, яхшиликнинг ва бахтинг устун келишини орзу килади. Хамиша инсонни бахти угал холатда куриш фикри билан яшайди.

Шоира ижоди давомида катор шеърий туркумлар хам яратди. У мазкур шеърий туркумлар оркали хаётни, воеаликни, одамлар калбини кенгликда ва бутун мураккаблиги билан тахлил этишга ҳаракат килди. Шоиранинг талай шеърий туркумлари бор булиб, буларнинг хар бирида муаллиф руҳий оламининг янги кирраси намоён булади. Агар «Хижрон кунларида» туркумида урушнинг шафкатсиз алангасида азобланган калбнинг голиб чикиш ифодаланса, «Юрагимга якин кишилар» туркумида инсондаги матонат ва садокат илдизларини одамлар меҳнатидан кидиради. «Мушоира» туркумида эса инсониятнинг такдири, ташвиши, интилишлари, орзу – умидларининг муштараклигига ургу беради. «Уйлар», «Йиллар, йиллар» туркумларида хаёт ва инсолин, мухаббат ва садокат, яшаш ва кураш маъноси туйгусида бадиий мушоҳада юритилса, «Камалак» туркумида инсоният узи кашф этган келажак ҳакидаги орзуладар куйланади.

Зулфия шеъриятига хос бир айрича жихат бор. Шоира хаётдаги хамма нарса – шеърият учун материал, илхом берувчи хамма нарса тугрисида калам тебратади, аммо буларнинг барини аёл калби билан тинглаб, аёл кузи билан куриб, идрок этиб аёл сузи – буёги билан тасвирлаган, унинг овозида куйлаган. Шоиранинг кайси шеърига назар ташламанг, ундаги образлар хам аёллар дунёсидан топилган. Умуман олганда асарларнинг гоявийлик ва бадиийлик даражасининг мезони битта, албатта. Бирок воеаликни куриш ва бадиий тадқик этишда уларда ижод конуниятлари или тугилган муштараклик хам борлигини эътибордан сокит килиш мумкин эмас. Демак, аёл шоиралар калби гоят назик ва сезгир, ута куюнчак ва фидойи булади. Шеърларда хам бу хусусият ва фазилатлар яккол аён булиб туради. Буларнинг барчаси Зулфия лирикасининг етакчи белгилари сифатида доимо укувчи эътиборида туради.

Шоира ижодида унинг каламига мансуб достонларнинг хам урни бор. У бу жанрда «Уни Фарход дер эдилар» (1943), «Икки урток» (1946), «Мушоира» (1958), «Водил юлдузлари» (1965), «Суроклайди шоирни шеърим...» (1965), «Куёшли калам» (1979) «Хотира синклари»(1985) каби намуналар яратди. Албатта, бу асарлар хаммаси бир хил даражада эмас. Лекин уларнинг аксарият кисми адабиётимизда урни бор асарлар хисобланади. Ушбу асарларнинг мавзуси хам, багишланган даври хам турличадир.

Чунончи, «Уни Фарход дер эдилар», «Суроклайди шоирни шеърим...», «Куёшли калам» достонларида хаётда булган вokeалар, бор одамлар хакида суз кетади. «Мушоира», «Водил юлдузлари» достонлари эса фалсафий уй ва мушохадаларга эрк берилган асарлардир. «Хотирам синиклари» асари Зулфиянинг сунгги достони булиб, номидан хам куриниб турганидек, инсоннинг уз хотараси олдидаги уйлари, армон ва изтироблари каламга олинган.

Зулфия 1996 йилнинг 1 августида вафот этди.

Назорат топшириклари.

- 1.3.1. Зулфия кандай оилада тугилиб, вояга етган?
- 1.3.2. Зулфия кандай ташкилий- жамоатчилик ишларини бажарган?
- 1.3.3. Зулфия кандай китоблар чикарган?
- 1.3.4. Нима учун Зулфия шеърларини интелектуал ва психологик шеърият намуналари деймиз?
- 1.3.5. Зулфия шеъриятидаги куповозлилик ва сероханглик нималарда куринади?
- 12.1. Шеърда шоир хаёти кай тарздла акс этишини Зулфия ижоди мисолида кандай тушунтириш мумкин?
- 1.2.2. Зулфия ижодида X.Олимжоннинг фожиали улими кандай акс садо берди?
- 1.2.3. Зулфия шеъриятида замондошимиз образи кандай ифодаланди?
- 1.2.3. Зулфия кандай шеърий туркумлар яратди?
- 1.2.4. Зулфия шеъриятида аёл калби кай йусинда уз ифодасини топади?
- 1.3.1. Зулфиянинг биринчи китоби нима деб аталади?

- A. «Кизлар кушиги».
B. «Хаёт вараклари».
C. «Хижрон кунларида»

- 1.3.3. Зулфиянинг кайси достонида уз хаётида кечган вokeаларга мурожат килади?

- A. «Куёшли калам»
B. «Суроклайда шоирни шеърим»
C. «Хотирам синиклари».

Адабиётлар.

1. Муаллифлар жамоаси. XX аср узбек адабиёти тарихи. Т., «Укитувчи » 1999й.
2. С.Мирзаев, С. Шермухаммедов. Хозирги замон узбек адабиёти тарихи. Т., 1993
3. А.Акбаров. Зулфия. Т., Г.Гулом нашриёти 1975 йил.
4. М.Султонов. Ижод сахифалари. Т., «Фан», 1975 йил.
5. О.Шарафиддинов. Калбимизга якин шоира «Адабий этюдлар» китобида. Г.Гулом нашриёти 1968 йил.

Мавзу: Сайд Ахмад

Мавзу режаси

1. Сайд Ахмад – хикоянавис
2. Сайд Ахмаднинг повесть ва романлари
3. Сайд Ахмад комедиялари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар:

Журналист – очеркчи, ижодий изланишлар даври, рассомчасига тасвир, услубдаги лиризм, ёшлик хакидаги хикоялар, хиссиёт тахлили, персонажларнинг тулаконли характерга айланмаслиги, меҳнат кишисини улугловчи хикоялар, лирик соз, хаётбахш юмор, хажвий- юмористик талкин, беозор хазил – мутойиба, газабли қах-қаха, табиатан лириклиқ, тарихий ходисалар фони, бокий фазилатлар, драматик ва трагик воеа, воеаларни детективнома тасвирилаш, эртан – драма, драматик миниатюра ва х.к.

Асосий масала.

1.1. Сайд Ахмад.

Ўқитувчининг максади: XX аср узбек адабиётининг бу йирик намояндаси хакида талабаларга тасаввур бериш. Унинг мураккаб хаёт ва ижод йули билан уларни танишириш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1.1. Сайд Ахмаднинг янги узбек адабиёти тараккиётидаги хизматларига эътибор каратади.
- 1.1.2. Унинг ижодига хос йуналишларни алоҳида таъкидлайди.
- 1.1.3. Сайд Ахмад ижоди билан унга тенгдош булган бошқа ёзувчилар солиштиради.
- 1.1.4. Сайд Ахмаднинг шахсий хаёти ваижодидаги иборатли жиҳатларга этибор каратади

Асосий масала баёни

Сайд Ахмад 1920 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Унинг фамилияси Хусанхужаев. Мактабдан сунг Тошкент давлат педагогика институтида таълим олди (1938 - 1941). У адабиётга журналист – очеркчи сифатида кириб келди. Адибнинг шаклланишида матбуот ижодий мактаб вазифасини утади. «Ёш ленинчи», «Кизил Узбекистон» рузномаларида, «Муштум», «Шарқ юлдузи» журналларида, Узбекистон радио комитетида турли вазифаларда ишлади.

Сайд Ахмаднинг биринчи китоби 1940 йилда «Тортик» номи билан нашр этилган. Унда ижодининг илк даврида ёзилган хикоялари жамланган. Бу китоб эълон килингач, А.Каххор томонидан кескин танқид килинади. Уруш даври ва ундан кейинги маълум йиллар Сайд Ахмад учун ижодий изланишлар даври булди. Бу даврда яратган байзи хикояларида ёзувчининг кейин кузга ташланган услугига хос хусусиятларнинг учкунлари кузга ташланиб колса-да, асосан, у хикоянавис сифатида 50-йилларнинг урталарида танилди.

Унинг «Эр юрак» (19942), «Фаргона хикоялари» (1948), «Мухаббат» (1949), «Кадрдон далалар» (1949), «Чул шамоллари» (1961), «Онажонлар» (1962), «Хазина» (1963), «Таъзим»(1966), «Кисса ва хикоялар» (1968) каби ва бошқа катор китоблари нашр этилган.

Сайд Ахмаднинг хикоянавис сифатида шаклланишида унинг уруш даврида ёзилган асарларининг узига хос ахамияти бор. Бу даврда у «Мастонби», «Тепки», «Кутиш тарааддути», «Ирод», «Кушик » каби хикоялар эълон килган. Бу хикояларнинг бадиийлик даражаси у кадар юкори эмас. Лекин уларда фавқулодда бир маҳорат билан чизилган лавхалар тез-тез учраб туради. Бошқачарок айтганда, рассомчасига аниклик билан яратилган тасвирий парчалар мавжуд. Ана шу нурли учкунлар кейинчалик Сайд Ахмад прозасининг етакчи услубий хусусиятига айлана борди.

Ёзувчи услугига хос лиризм адибнинг уруш ва унинг окибатларига багишлиланган асарларида, айникса, алахида кузга ташланади. Адиб уруш туфайли одамлар бошига тушган фожиалар хакида баҳс этувчи ундан ортиқ хикоялар яратган. «Хазина»,

«Турналар», «Онажонлар», «Куклам чечаклари» «Лайлак келди» ва бошка хикоялар бунга мисол була олади. Саид Ахмад олдин, яни уруш йилларида шу мавзуда ёзилган хикояларида фронт хакида хам тасвирлар беришга харакат килган, лекин узи билмаган ва тасаввур кила олмайдиган нарсалар хакида ёзганлиги учун бу харакат муваффакиятсиз якунланган эди («Ирода »хикояси). Шунинг учун адаб юкоридаги хикояларида уша давринг бевосита узи шохид булган, якиндан билган лавхаларини – кишиларимизнинг фронт оркасидаги хаётини, урушнинг мамлакат ичкарисидагилар тақдиридаги изларини, урушдан кайтганлар кисматини гавдалантириди. Ёзувчи уруш туфайли алохидা шахслар, колаверса, бутун халк бошига тушган кийинчилик, жудолик, дард – аламларни руй – рост курсатди. Саид Ахмад асарларида персонажлардан бири томонидан айтилган «Дод, деб йигласа буладиган ишлар утди бошимиздан» деган сузлар шу йуналишдаги хикояларнинг персонажлари тақдирга тулик тааллукли деса булади.

Саид Ахмад севги, садокат, ёшлик хакида хам катор хикоялар яратди. Бу мавзудаги хикояларининг каҳрамонлари турли ёшдаги, турлича хаётий тажрибага эга булган кишилардир: бу асарларнинг бирида мустакил хаёт остонасига эндиған кадам куйган, илк меҳнат, мухабbat, илк буса лаззатидан эндиғина баҳраманд булаётган ёшларни учратсак, иккинчисида хаётда адашиб, шахсий баҳтини бой береб куйган ношуд – нотавон кимсаларга дуч келамиз; бошқасида уз шахсий хузур-халоватидан воз кечиб, узгаларга баҳт, шодлик хадя этган олижаноб кишиларни курсак, яна бирида факат узини деб бошқаларни кон какшатувчи худбинларга дуч келамиз. Унинг «Мухаббатнинг туғилиши», «Ойдин кечалар», «Икбол чироклари», «Мухаббат», «Баҳор сувлари», «Тог афсонаси», «Севгингга садикман» каби хикоялари шу жумлага киради. Бу хикоялар, мухими, бизни инсонга бир бор бериладиган хаётни, инсоний баҳтни, илк севгини кадрлашга, хаётда чин инсон булиб, халол яшашга даъват этади, одамнинг одам одидаги, эл - юрт олдидаги маъсулиятини эслатиб туради, инсондаги ноёб туйгу, олижаноб фазилатларни кадрлашга, асрашга ундаиди.

Маълумки, лирик хикояларда хиссиёт таҳлили биринчи уринда туради. Лекин, айтиш лозимки, хиссиёт таҳлили билан иш куришнинг муайян хатарли жихатлари хам бор. Биламизки, кайфият ва хиссиёт уй – аклга караганда тезкор, узгарувчан. Бинобарин, хиссиётдаги узгариш хамма вакт хам характердаги туб узгаришларга тула тенг келавермайди. Саид Ахмад баязи асарларида купрок хиссиёт таҳлилга берилиб кетган холатлар хам учраб туради. Бунда каҳрамонлар хаётидаги кескин бурилишлар етарли далилланмай, персонажлар тулаконли характер даражасига етмай колади. Ёзувчининг «Тулкинлар», «Туй кечасида» каби асарларини бу ерда тарикасида келтириш мумкин.

Мехнатни, меҳнат кишисини улуглашга интилиш Саид Ахмад ижодидаги етакчи йуналишлардан биридир. Бу йуналишнинг бошланиши унинг урушдан олдин ва 40-йилларда ёзган куплаб очерклари билан бөгланади. Ёзувчи узининг «Чул хикоялари» («Чул бургути», «Урик домла», «Лочин»), «Чул шамоллари» («Одам ва бурон», «Бустон», «Ер уйгонди», «Туй боши », «Сени излаб»), «Чул окшамлари» («Оталар ва болалар», «Ун саккиз ёшинг», «Кузларингда ут бор эди», «Чевара», «Тог афсонаси», «Рахмат, азизларим», «Туй кечасида», «Уйлар», «Сумбул», «Ялпиз хиди») каби туркум хикояларида бадиий жихатлар юкори даражада булган катор асарлар яратиб, узбек хикоячилиги ривожига муносаб хисса күшди. Бу йуналишга мансуб хикояларнинг узига хослиги шундаки, уларда ёзувчининг лирик сози ёнига кувнок, хаётбаш юмор келиб күшилган. Бу юмор кишилардаги инсоний жозибани очишга, жамият ишига фидойиликни курсатишга, одамлар уртасидаги уртоклик, биродарлик муносабатларини ардоклашга хизмат киласи.

Саид Ахмад асарлари устида гап борганда унинг ижодига хос яна бир хислат эътиборни тортади. Адаб каҳрамонлари бевосита табиат күйнида тогларда, яйловларда, чулларда, бөгларда, далаларда, кир – адирларда харакат киладилар, улар нукул табиат кучогига, кенгликка, уфкка талпинадилар. Адаб она табиатнинг мафтуни, ёник куйчиси

сифатида иш курди, хусусан олтин водий – Фаргона водийси манзараларини ута кадрдон бир меҳр, самимият билан каламга олади. Бундай тасвиirlар , табиийки, китобхондаги она табиатга меҳр хиссини жумбушга келтиради, унга она табиат фарзанди, унинг ажралмас кисми эканини эслатиб турди.

Сайд Ахмад ижодида хажвий асарларнинг хам салмоги катта. Умуман, хажвий – юмористик талкинга мойиллик ёзувчи ижодининг ажралмас бир булагини ташкил этади. Хатто, тамомила бошка йуналишдаги асар – «Уфк» да хам юмор сингдирилган сахифалар кам эмас. Ёзувчининг хикоячилик фаолиятида эса бундай асарлар алохида бир йуналиш хисобланади. Унинг асарларида кулгининг хамма тури – кувнок ханда, енгил табассум, беозор хазил – мутойибдан тортиб киноя- кесатик, масхара ва газабли ках – кахагача учрайди. Лекин унинг кулгиси ичидаги юмористик кулги алохида ажралиб турди. Ёзувчи табиатан лирик булганидан хажвиётда хам лириклигича колади, хажвияларида хам лирик жушкинликни саклайди. Кувнок, хаётбахш кулги заминида хам хаётдаги кам – кустларни коралаш мавжуд. Буни эътибордан сокит килиб булмайди. Шундай булса – да , у асосан, хаётни, инсонни улуглашга каратилган. Сайд Ахмаднинг купдан- куп хажвиялари, туркум хикояларидағи катор персонажлар талкини шундай юмор билан сугорилгандир. Хаттоки , «Ханка билан Танка », «Менинг дустим Бабаев», «Лаъли бадаҳшон», «Ошковок, 2 », «Музикали воеа» каби хажвияларида танкид тиги хийла уткир булса –да, уларда кувнок кулги, хазил-мутойиба хал килувчи ахамият касб этади.

Сайд Ахмаднинг насрдаги ижодида «Уфк » трилогиясининг алохида урни бор. Ёзувчи мазкур асар устида ун йилдан ортиқ меҳнат килди. У «Кирк беш кун» (1974), «Хижрон кунларида »(1964), «Уфк бусагасида»(1969) каби китоблардан ташкил тоган. Агар узбек халки хаётининг тахминан ун йиллик даврини – уруш арафаси, уруш ва урушдан кейинги йилларни камраб олган. Шу давр ичидаги кечган тарихий , ходисалар фонида муаллиф халкнинг маънавий бисотини очади, унинг характерига хос бокий фазилатлар – мардлик, тантилик, олий жаноблик, бирдамлик, узора меҳр-окибат каби туйгуларни ута самимий талкин этади. Трилогияда халк хаёти, характери, оммавий меҳнат жараёни тасвири билан алохида шахслар тақдири, узига хос олами талкини узвий тарзда бирлашиб кетган. Асаддаги хар бир персанажнинг уз хаёт йули, такомилли, характери, бетакрор хусусиятлари жонли, аник чизилган.

Романдаги Икромжон образи- ёзувчининг жиддий ютуғи. Ундағы бор хусусиятлар кучли ва ожиз томонлари билан руй – рост курсатилган. У – пок одам. Мана шу пок, бегубор, фидойи одам оиласида нопок кимса пайдо булади- унинг яккаю ягона угли кочок, хоин булиб чикади. Ёзувчи мана шундай мураккаб, драматик, хатто трагик воеа мисолида ушбу қаҳрамоннинг маънавий киёфасини очишга жазм килади. Агар Икромжон образи шу йусинда чукур психологик йуналишда яратилган булса, бошка етакчи персонажлар, чунончи, Дилдор - лирик , Азизхон – лирик-романтик, Асрора – юмористик, Иноят оксокол сатирик бўёклар оркали чизилади.

Сайд Ахмад «Уфк»ка кадар хам насрнинг йирик шаклларида «Кадрдон далалар» (1949), «Хукм»(1958) каби киссалар ёзган эди. «Кадрдон далалар»да урушдан кейинги давр адабий жараёни ва мағкурасига алокадор булган бирёкламалик ва «колип»лар кузга шундай ташланиб турди. «Хукм»да хам ёзувчи шура адабиётининг конунларидан ташкарига чиколган эмас. Унинг «Суд», «Гилдирак» каби киссалари хам бор.

Сайд Ахмад «Жимжитлик » (1988) номли роман хам ёзган. Ёзувчининг олдин шу номда хикоя ёзгани маълум. Умуман унинг ижодига хос хусусиятардан бири романлари билан хикоячиликдаги изланишлари уртасида муайян алокани мавзудлигидир. Мазкур роман хакида хам кизгин баҳслар булди. Унда маҳорат билан ёзилган лавхалар анчагина. Лекин асадрга умумий тарзда баҳо бериладиган булса, у бир оз шошилиб ёзилганлигини айтиш керак. Романда мантикан асосланмаган тасвиirlар мавжуд. Шунингдек, унда ёзувчи ижодига хос булмаган услугба-воеаларни детективнома тасвиirlаш услугига дуч келамизки, бу асаднинг бадиийлиги учун хизмат килмаган.

Ёзувчи драматургия соҳасида хам ҳалкимизга машхур асарлар яратди. Ҳатто айтиш мумкинки, бу жанрга жуда эрта кул урган – 1945 йилдаёк болаларга багишлаб эртак йулида «Шерзод ва Гулшод» номли драма ёзган. У кейинчалик бу соҳанинг жуда кичик шаклида - драматик миниатюра жанирида самарали ижод килган ва улар укувчиларга яхши таниш. Лекин ёзувчининг «Келинлар кузголани» (1976), «Куёв» (1986) каби комедияларининг сунгги давр узбек драматургиясида алоҳида урни бор. Ҳусусан, «Келинлар кузголони» комедияси ёзувчига катта шухрат келтирди. Тугри, асар ҳакида танқидчиликда турли –туман, ҳатто уни инкор этиш даражасида булган фикрлар билдирилган. Баъзи тугри танқидий мулоҳазаларни ёзувчи кабул килиб, асарга узгартиришлар хам киритиб борган. Лекин мазкур комедия йиллар утиши жараёнида билдирилган катор танқидий фикрлар нотугри эканлигини, у жуда катта ёзувчилик маҳорати натижасида юзага келганлигини исбот этди. Асаддаги воеалар бир серфарзанд узбек оиласи доирасида булади. Фармонбиби оилада мустахкам интизом, самимий муносабат, иноклик, узаро ишинч булиши, ҳар бир оила аъзосининг ҳалол яшashi ва ишлаши учун кайгуради. Фармонбиби оиласи – бамисоли ҳалолик ва тартиб – интизом истех -коми, унинг узи эса шу истехком посбони. Бу истехкомга гоҳо гирромлик, нопоклик, тартибузарлик, ичкиликбозлик иллатлари хуруж килади. Фармонбиби эса бундай хуружларни катъий туриб даф этишга эришади. Шу тарика комедия муаллифи бир карашда енгил – елпи ҳазил – мутойибдан иборатдек туюлган ҳодисалар замирада мухим ижтимоий маъно топа олган, томошабинлар кунглида эса мухим хаётину муаммоларга фаол муносабат уйготишга эришган.

Сайд Ахмад хам инсон, хам ижодкор сифатида мураккаб йулни босиб утди. Пировардида, мана шу йул уни ҳалкимиз учун ардокли инсонга, адабиётимиз учун атоли ёзувчиларимиздан бирига айлантирди. Ҳозирги кунда у мустакил Узбекистонимизнинг катор юкори орденларининг соҳиби булган, Узбекистон Кахрамони унвонига беришга муносиб курилган ижодкордир.

Назорат топшириклари:

- 1.1.1. Сайд ахмаднинг хаёти кандай кечган?
- 1.1.2. Сайд Ахмаднинг биринчи тупмининг такдири кандай кечди?
- 1.1.3. Ёзувчининг шу пайтга қадар кандай китоблари чиккан?
- 1.1.4. Уруш мавзуидаги хикояларида лиризм кандай тарзда кузга ташланади?
- 1.1.5. Севги – муҳаббат мавзуидаги хикоялар ёзувчи ижодида кандай урин тутади?
- 1.2.1. Хиссиёт таҳлилига ортиқча урин бериш ёзувчи ижодида кандай натижалар келтириб чиқарган?
- 1.2.2. Сайд Ахмаднинг туркум хикоялари бадиийлик нуктаи назаридан кандай аҳамиятга эга?
- 1.2.3. Ёзувчи асарларида табиат тасвиридан кандай фойдаланади?
- 1.2.4. Сайд Ахмаднинг ҳажвий хикоячилигига маҳорати кандай?
- 1.2.5. Сайд Ахмад ижодида «Уфқ» трилогияси кандай юзага келди?
- 1.3.1. «Уфқ» трилогиясининг кайси китоби биринчи эълон килинган?
 - A. «Кирк беш кун»
 - B. «Хижрон кунларида».
 - C. «Уфқ бусагасида».
- 1.3.2. Сайд Ахмад киссаларининг кайси бири ҳажвий йул билан яратилган?
 - A. «Қадрдон далалар».
 - B. «Хукм».
 - C. «Гилдирак».

Адабиётлар.

1. Муаллифлар жамоаси. XX аср узбек адабиёти тарихи, Т., 1999 .
2. Норматов У. Сайд Ахмад Т., 1978 .
3. Гафуров И. Прозанинг шоири . Т., 1981.
4. У.Улжабоев Сайд Ахмад. «Узбек харбий прозасида характер яратишнинг баязи масалалари» китобида. Т., 1989.

Мавзу: Аскад Мухтор.

Мавзу режаси:

1. А.Мухтор шеърияти.
2. А.Мухтор достонлари.
3. А.Мухтор хикоялари.
4. А.Мухторнинг кисса ва романлари.

Мавзудаги таянч тушунчалар :

Лирик характер, поэтик манзара, воеабанд шеърлар, поэзиядаги баёнчилик, интелектуал деталлар, рамзий образлар, шуролар даври мафкураси, социалистик реализм методи колипи ва х.к

Асосий масала.

1.1.Аскад Мухтор

Уқитувчининг максади: Талабаларда узбек адабиётининг бу узига хос намояндаси ижоди хакида тасаввур хосил килиш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1. А.Мухторнинг XX аср узбек адабиётида тутган урнини билади.
- 1.2. Унинг бошка ёзувчилар ижоди билан хамоханг томонларига эътибор киласди.
- 1.3. А.Мухтор ижодининг фаркан узига хос жихатларини аниклади.
- 1.4. Унинг яратган асарларидан маънавий – эстетик хулосалар чикаради.

Асосий масаланинг баёни:

А.Мухтор 1920 йил 23 декабрда Фаргона шахрида ишчи оиласида туғилди. У отаси вафот этгач, болалар уйида тарбияланади. 1936 йилда Тошкентга келиб, журналистика курсида укиди. У САГУ ни битирган. 1943 – 1945 йилларда Андижон педагогика институтида уқитувчи булиб ишлайди. Кейинчалик «Ёш ленинчи», «Кизил Узбекистон» газеталарида шунингдек , «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналларида ишлаган. У Узбекистон Ёзувчилари уюшмасида раҳбарлик лавозимларида хам фаолият курсатган.

А.Мухторнинг биринчи шеъри «Ленин учкунни» газетасида 1935 йилда эълон килингган 1938 – 1940 йиллар давомида «Тилак », «Абадият», «Тотли дамлар», «Шеър ва хаёт» каби бир канча шеърлари республика газетада ва журналларида босилди. 1939 йилда «Бизнинг авлод» номли поэма хам нашр килдирди. Булар хали ёш шоирнинг дастлабки машклари эди.

Уруш йилларида А.Мухтор хам бошка ижодкор тенгдошлари катори замон талабларига жавоб беришга интилди. Бу даврда долзарб дамлар рухини узида ифодаловчи «Бу куннинг хитоби», «Она хурсанд», «Галаба ишончи», «Жангчининг байрам кечаси», «Согиниш» каби шеърла ёзди. Бу шеърлар гоявий – бадиий жихатдан мукаммал булмасада, уларда муҳим иккита аломат-психологик холат ифодаси оркали лирик характерни шакллантиришга интилиш хамда деталлар воситасида поэтик манзара ва лирик кайфият

яратишга майиллик кузга ташланади. Кейинчалик шоир ижодидаги ана шу икки йул ривожлана бориб, унинг поэтик услубининг белгиларига айланди. 50 – йилларнинг бошларига келиб шундай алломатларга эга булган «Болалар», «Теримда », «Чолу кампирлар», «Бригадамиз» каби воеабанд шеърлар яратди.

50-йиллар узбек поэзиясидаги баёнчилик, риторика, баландпарвозлик, жунлик каби нуксонлардан А.Мухтор шеърлари хам холи эмас. Масалан, унинг «Тошкентликлар» (1955) шеърида шундай холатга дуч келиш мумкин. Унда баёнчилик кучли. Шоирнинг шу даврда яратган «Пахта байрами» шеърида хам шундай умумийлик, баландпарвозлик хукмрон.

50 – йилларнинг иккинчи ярми ва 60- йилларнинг бошларига келиб унинг шеъриларида жиддий сифат узгаришлари кузга ташлана бошлади. Шоир лирикасида интеллектуал деталлар, рамзий образлар, тагмаъноли поэтик мушохадалар шаклланди ва ривожланди. А.Мухторнинг «Асрим», «Угирланган куз ёши », «Поп» этиб накш олма тушди йулакка», «Вакт», «Ярим тундан кейин урнимга ётсам», «Тушларим, безовта тушларим», «Тош», «Европада колган кабрлар» каби унлаб шеърлари бунга мисол була олади. Дунёнинг, инсониятнинг келажаги хакидаги безовталиқ «Тушларим, безовта тушларим» шеърининг асосини ташкил этади. «Европада колган кабрлар»да эса Иккинчи жаҳон уруши фожиалари хакида шеърий ифодалар берилган. «Янгам» шеърида эса эри фронтга кетган аёлнинг оғир меҳнат жараёнидаги холатидан лавхалар чизади.

А.Мухтор меҳнатсеварлик, халоллик, инсоннийлик, бурч каби хислатлар хакида шеърлар яратди. Унинг талкинича, инсон уз умрида халк учун, жамият учун эзгу ишлар килса уз номини шон – шарафларга урайди, халк хотирасида колади. Аксинча, умрини ниманидир бузиш, кулатиш билан утказса халк нафратига учрайди. Унинг «Умр йули» шеърида шу мазмун ва шу гоя ифодаланган.

Воеаликни рамзий деталлар ва символлар воситасида поэтик идрок этиш усули хам А.Мухтор услубининг мухим хусусияти сифатида шаклланди ва ривожланди. Бундай холатни «Майса мавж ураг», «Урок ва болга», «Хазон», «Товушлар», «Умр», «Богим», «Нихол», «Китоб чиккан соат», «Тонг», «Узак», «Аму», «Бойчечак» каби шеърлари мисолида куриш мумкин. Майлум буладики, А.Мухторнинг узига хос услуби унинг вокеликни поэтик символлар воситасида кашф эта боришидадир.

А.Мухтор катор поэмалар муаллифи хамдир. Унинг «Пулат куювчи» (1947), «Шералининг дусти бархаёт» (1947), «Адолат » (1948), «Катта йулда» (1949), «Мангаликка даҳлдор» (1969), «Дол коя» (1986) каби асарлари шу жумлага киради. «Пулат куювчи» достони ишчилар хаётидан олиб ёзилган асардир. Унинг асосида Бекобод муталлургия камбинатининг курилиши билан бөглиқ воеалар туради. Лекин унинг мавзуси мухим булса – да, бадиияти буш чиккан. «Шералининг дусти бархаёт» асари хам шу мавзуда ёзилгандир. Унда хам узи учун, хам Ленинград камалида халок булган дусти Василий учун дастгоҳ ёнида меҳнат килган Шерали исмли ишчи йигит образини яратган. «Адолат» асар эртак – достондир. Унда Адолат исмли хизматкор бир кизнинг тақдирини хикоя килинган. «Катта йулда» достони эса кишлок хаётига багишлиланган асардир. «Мангаликка даҳлдор» асари Ленин ва унинг гояларининг хаётийлиги хакидадир. Куриниб турибдик, бу асарлар, гарчи уз вактида ижобий баҳога сазовор булган булса – да ,хозир уз кимматини сакламаган. Уларда хаёт жун ва сунъий ифодаларда тасвирланган.

А.Мухтор уз ижодий фаолиятида ишчилар хакида, хусусан , Бекобод металлургия комбинати ишчилари хакида куп асарлар ёзган ёзувчидир. Кейинчалик унинг ижоднинг бошка бир катта йулига – насрга утишида бу йуналишдаги изланишлари мухим ахамиятга эга булди. Аникрок айтилганда, А.Мухторнинг ишчилар хакида дастлабки ёзганлари унинг катта прозага утишида бир куприк вазифасини утади. Шу жахатдан унинг бу йуналишдаги «Металлурглар» (1946), «Пулат шахри» (1946), «Пулат шахрининг каҳрамони » (1949) каби очерклари мухим ахамитга эгадир. Кейинчалик, А.Мухтор «Пулат шахри» (1950), «Истикбол» (1951), Хаётга чакирик (1956) номлари билан очерк ва

хикоялар тупламларини нашр эттириди. Шу китобларга кирган «Оксана», «Дог», «Хайри» каби хикоячиликдаги дастлабки тажрибалари насрдаги унинг кейинги фаолиятида мухим роль уйнади. Бу жанрдаги ижодини ёзувчи кейин хам давом эттириди. Унинг «Дунё болалари» туркумiga кирган хикоялари, шунингдек, «Туккиззинчи палата», «Хонимнинг тугилган кунлари » каби хикоялари бунга исбот булиши мумкин. А.Мухторнинг «Инсонга куллук киладурмен» (1994) китобида хам унинг шу жанрда ёзган асарлари жамлангандир.

А.Мухтор насрнинг катта шаклларида хам салмокли ижод килган, самарали изланишлар олиб борган адидир. Унинг «Дарёлар туташган жойда» (1950), «Коракалпок киссаси» (1958), «Буронларда бордек халоват » (1976), «Бухоронинг жин кучалари» (1980), «Жар ёкасида чакмок » (1982), «Аму» (Кумуш тола) (1987) каби киссалари мавжуд. Бу киссаларнинг айримлари олдинги даврларда адабий танкидчиликнинг юкори баҳосига сазовор булган эди. хусусан, «Коракалпок киссаси» хакида шу гапларни айтиш мумкин. Бошқаларда хам А.Мухторнинг киссанавислик маҳоратидан далолат берадиган, характер яратишдаги узига хос жихатларни намоён кила оладиган уринлар анчагина учрайди. Айни вактда уларда шуролар даври мафкурасининг таъсири хам сезилади.

Ёзувчининг роман жанридаги ижоди хам узбек адабиётида алохида кузга ташланади. Бу адабий шаклда у «Опа-сингиллар»(1955), «Тугилиш» (1960), «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1969) каби намуналар яратди. Бу асарлар хакида хам адабиётшуносликда куп мулоҳазалар билдирилган. Чунончи, ёзувчининг ilk романи – «Опа - сингиллар» хакида хам шу гапни айтиш мумкин. Бу асар шуролар даврида юкори баҳоланганди. Чунки унда «инкилоб» гояларига мос, унинг ахамиятини очиб беришга хизмат килювчи вакеалар тасвирланган. Ана шу гояларни инсонлар тақдирига тадбик килишда ёзувчи анчагина маҳорат курсатгани хам сезилиб туради. Лекин мана шу маҳорат социалистик реализм талабларига буйсундирилгани романнинг хозирги кунимиз учун ахамиятини йукка чикаради.

А.Мухторнинг кейинги романлари - «Тугилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор хам социалистик реализм» методи талаблари асосида яратилган асарлар хисобланади. Лекин бу билан юкоридаги асарларни бутунлай ахамиятсиз, десак тугри булмайди. Чунки А.Мухтор нима булганда хам жуда катта исътедод эгаси эди. Гарчи бу асарларда хукмрон мафкура таъсири сезилиб турса-да , улардаги жозибали ёки драматик манзарлардан, инсоний холатлар чукур очиб берилган куплаб лавхалардан куз юмиш мумкин эмас. Чунончи, «Тугилиш» романда бир курилиш обьектидаги иш жараёнида янги авлоднинг шаклланиши билан боғлик воеалар тасвирини беради. «Давр менинг тақдиримда » романнда муайян бир авлоднинг тақдири хакида гап кетади. «Чинор» да халкнинг абадийлиги улугланади. Бу асарларда социалистик реализм методига хос принцип колиплари сезилиб туради. Лекин уларда баъзан бу колипларни ёриб чиккан, хаётнинг хакконий тасвири берилган эпизодлар хам тез – тез учраб туради.

А.Мухтор драматургия жанрларида хам тажрибалар килиб курган. Бу соҳада у кадар шуҳрат козона олмаган булса – да , хар холда «Мардлик чуккиси», «Самандар», «Яхшиликка яхшилик» каби драматурк асарлар ёзган.

А.Мухтор 1997 йилнинг апрель ойида вафот этган.

Назорат топшириклари:

- 1.1.1. А.Мухторнинг хаётидаги асосий боскичлар нималардан иборат?
- 1.1.2. А.Мухтор дастлаб кандай асарлари билан танилди?
- 1.1.3. Уруш йилларида у кандай шеърий асарлар яратди?
- 1.1.4. 50-йиллар шеъриятидаги камчиликлар А.Мухторнинг кайси шеъриларида акс этди?
- 1.1.5. 50-йилларнинг иккинчи ярми ва ундан кейинги даврда А.Мухтор шеърларида кандай сифат узгаришлар кузатилади?

- 1.2.1. А.Мухтор «Умр йули» шеърида кандай поэтик фикрларни илгари суради?
- 1.2.2. А.Мухторнинг вокелик рамзий деталлар ва символлар воситасида прок этишга йуналтирилган кандай шеърлари бор?
- 1.2.3. А Мухтор кандай поэмалар яратилган?
- 1.2.4. А.Мухторнинг насрдаги ижоди кандай бошланган?
- 1.2.5. У кандай хикоялар яратган?

- 1.3.1. Бекобод metallurgия комбинати курилиши билан бөглик воеалар А.Мухторнинг кайси киссасида акс этган?

A. «Дарёлар туташган жойда».
B. «Жар ёкасида чакмок».
C. «Буронларда бордек халоват»

- 1.3.2. Сунагул исмли каҳрамон А.Мухторнинг кайси асарининг каҳрамони?

A. «Тугилиш».
B. «Дар менинг тақдирим».
C. «Чинор».

Адабиётлар.

1. Сойимов Б. Аскад Мухтор прозаси. Т., Фан, 1968 .
2. Тогаев О. Аскад Мухтор Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1965.
3. Шарафиддинов О. Ижоднинг катта йулида. «Биринчи мұжиза» китобида. Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1978.
4. Хамид Т. Күшиклар канотида. Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1975.

Мавзу: Одил Ёкубов.

Мавзу режаси:

1. О.Ёкубов хикоялари.
2. О.Ёкубов киссалари.
3. О.Ёкубов романлари.

Мавзунинг таянч тушунчалари: катогон килиш, худбинлик ва софлик, драматик эпизотлар, асарнинг хакконийлиги, маңнавий –ахлоқий муаммолар, турғунлик йиллари, Япон Самурийлари, «узбек шши», халкни халкаро микёсда бадном килиш реалистик ифода усули, тарихий роман, психологизм тасвири, тулдирилган кайта нашр ва х.к.

Асосий масала:

- 1.1. Одил Ёкубов.

Үкитувчининг максади: О.Ёкубов ижоди хакида талабаларга билим бериш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1. О.Ёкубов ижодининг узбек адабиётида тутган урнини тасаввур киласи.
- 1.2. О.Ёкубов ижоди кандай йуналишлар буйича усиб борганини билиб олади.
- 1.3. О. Ёкубов кайси сохаларда салмоклирок ижод килаганини ажратадиган булади.

1.4. О.Ёкубов яратган қаҳрамонлардан узи учун керакли маънавий сабоклар олади.

Асосий масала баёни:

Хаёти: Чимкент вилоятининг Карнок (хозирги Отабой) кишлогида туғилган. Отаси Эгамберди Ёкубов вилоятда маъсул лавозимларда ишлаган. 1937 йилда катогон килинган. Отасининг таъсири билан дастлаб рус мактабида укиган, сунгра кишлокка кайтиб, узбек мактабида укишини давом эттирган. 1945 йилда харбий хизматга олиниб, Квантун армиясини тор – мор этишда катнашади. У 1950 йилга кадар харбий хизматни давом эттиради. 1950 йилда эса САГУнинг филология факультетига укишга киради 1955-1959 йилларда Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, сунгра ун йилча «Литературная газета»да мухбир, «Узбекфильм», Узбекистон Кинематография давлат кумитасида турли лавозимларларда ишлайди. 1970 – 1982 йилларда Г.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош мухаррир уринбосари, 1982 – 1987 йилларда «Узбекистон адабиёти ва санъати» газетасида мухаррир, 1987-1991 йилларда Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувчининг биринчи китоби лавозимларида ишлади. 1991 йилдан хозирга кадар Республика атамалар кумитасининг раисидир.

Ижодининг бошланиши: Биринчи нашр этилган асари – «Тенгдошлар» (1951) киссасидир. Бунга кадар, ёзувчининг узининг ёзишича, у анча хикоялар ва бир роман хам коралаган экан. Лекин О.Ёкубовни ёзувчи сифатида элга танитган асар, бу – «Муқаддас» (1960) повестиидир.

Ёзувчининг хикоячиликдаги ижоди: 50 – йилларда О.Ёкубовнинг «Дастлабки кадам» (1953), «Икки мухаббат» (1955) номи билан хикоялар тупламлари нашр этилди. Биринчи туплам – «Дастлабки кадам»да болаларга багишлаб ёзилган хикоялар жамланган. Унга «Дастлабки кадам», «Каптар», «Гоголь тирик», «Ларза», «Дустлар», «Имтихон», «Мустакиллик» каби хикоялар киритилган.

«Икки мухаббат» хикоясида мухаббат мавзуси каламга олинган. Унда Собиржон ва Насибалар уртасидаги туйгуларнинг соxта эканлиги, хакикий туйгуниң нима эканлигини Собиржон кишлокка ишга келгач, Махбуба исмли киз билан танишгандан кейингина тушуниб етганлиги тасвир этилган. Ёзувчининг «Янги йил кечасида», «Тог кизи» каби хикояларида хам шу мавзу каламга олинган.

О.Ёкубов кейинги ун йилларларида хам бир катор хикоялар яратди. Булар жумласига «Аямажуз», «Лирик ва физик киссаси», «Видо», «Яхшилик», «Йуколган юлдузим», «Бахт куши» каби хикоялари киради. «Аямажуз» хикоясида киши калби, унинг нозик туйгуларини хис килмовчи умуман бундай туйгулардан бебахра кимса – «Оксок темир» образи нихоятда хаётий яратилган. «Лирик ва физик киссаси» хикоясида хаётда узининг айби билан баҳтидан жудо булувчи, лекин бунга бошқаларни айбор деб санаб юрувчи кишилар киёфаси Қаҳрамон исмли йигит образида берилган. «Видо» хикоясида фарзандлик бурчи, инсонийлик масаласи уртага куйилган. «Яхшилик» хикоясида шахардан келин булиб тушган келинчакнинг туйнинг эртасига ёк севгилисини фронтга жунатиши, жудоликдан кейинги ички изтироблари нихоятда хаётий, ишонарли тасвирланган. «Йуколган юлдузим» хикоясида болаларнинг бегубор калбida балогат туйгуси – эндиғина ниш ураётган илк севги гоят самимий тасвирланади. «Бахт куши» хикоясининг қаҳрамони Суръатжоннинг омонат бойлик кетидан кувиб абадий бойликдан ажраб колишига бир баҳя колиши ишонарли ифодаланган.

Хуллас мазкур хикояларнинг сунгги давр узбек адабиётида узига хос урни бор. Уларда мухим маънавий – ахлоқий масалар катта ёзувчилик маҳорати билан хал этилган.

Ёзувчининг киссачиликдаги ижоди. О.Ёкубов бу жанрда хам куплаб асарлар яратди. Чунончи, «Макаддас» (1960), «Тилла узик » (1960), «Ларза », «Бир фельетон киссаси», (1962), «Канот жуфт булади» (1968), «Матлуба»(1970), «Излайман» (1971), «Биллур кандиллар» (1975) каби киссаларни келтириш мумкин.

«Макаддас» киссаси факат ёзувчи ижодида эмас, 60 –йиллар узбек адабиётида хам мухим ходиса булди. Унда хаётда худбинлик билан софлик, виждонийлик ёнма –ён туришлиги, киши озгина ножуя харакат килса худбинлик кучасига кириб кетиши мукинлиги бош каҳрамон Шариф мисолида жуда ишонарли курсатилган. «Бир фельетон киссаси» асарида инсондаги виждон масаласи куйилган. Агар юкоридаги повестда Шариф билмай туриб виждонга хилоф иш тутган булса, «Бир фельетон киссаси»даги Учкун окибати узига яхши булмаслигини билган холда виждонсизликка йул куймайди. Узи жабр тортган холда бир инсонни хаётга кайтаради, яни Салтанатни худбинлик боткогидан тортиб олади. «Тилла узук » киссасида биронинг гапига ишониб, шошколоклик билан хулоса чикариш окибатида одамнинг бир умр виждон азобида кийналиб юриши мукинлиги Воҳид ва Розиялар тақдири мисолида ишонарли курсатиб берилган. Унинг «Ларза» киссасида 50-йилларнинг иккинчи ярмида руй берган катта узгаришлар колхоз раиси Мутал тақдири мисолида курсатилган. Ёзувчининг «Канот жуфт булади» киссасида эса хамиша долзарб масала булган севги, замон, ахлок ва оила масаласи акс этган. Асарда бу йуналиш билан boglik драматик эпизодлар тасвири куп булиб, улар бири иккинчиси билан тез-тез алмашиб туради. Киссадаги Акрамжон ва Сайёralарнинг мураккаб оиласи, эр-хотинлик муносабатлари, бу муносабатларнинг тумушнинг кишини чалгитувчи тулкинларида жиддий чайкалиш даражасигача бориши шундай драматик холатларни келтириб чикаради. О.Ёкубовнинг «Излайман » киссаси хам унинг ижодида узига хос урин тутади. У Япония билан булган уруш воеаларига багишланган. Асарнинг марказида турадиган воеалар окимида учта ёш йигит образи тургандек туюлади. Уларнинг хар бирининг узига хос жихатлари бор. Воеалар талкинида хикоячи каҳрамон вазифасини утовчи Мансур Муродов, шунингдек, унинг дусти Арслон тимсолида хакикий инсоний сифатлар шакланаётган ёшлар киёфасини куз олдимизга келтирсан, Мирхайдар тимсолида уз тинчини, корнини уйлайдиган, манфаат йулида йигитлик гурурини ерга уришдан хам кайтмайдиган кимса киёфаси жонланади. Воеалар окимида бу ёшлардан кура капитан Даврон Гозиев ва унинг севгилиси Саломатларнинг салмоги алоҳидадир. Улар уртасидаги севги, бу билан boglik талай мураккаб холатларга киссада анча кенг урин берилган. Хуллас, утган уруш, у каерда кечмасин инсон бошига куп оғир синовлар келтиргани киссада ишонарли бир тарзда тасвирлаб берилган. «Матлуба» киссаси хам узининг хакконийлиги билан эътиборини тортади. Асардаги Самигжон билан Матлубанинг муносабатларида хам укувчини кизикитирадиган, унинг дикатини узига тортадиган жихатлар анчагина. Айникса, севги билан boglik булган туйгулар канчалик нозик булишини, унга эътиборсизлик, бепарволик билан ёндошиб булмаслигини бу ёшлар уртасидаги муносабатлар талкини мисолида яна бир карра англагандек буламиз. Ёзувчи «Билур кандинлар» киссасида хам мухим маънавий –ахлокий масалани кутариб чикади. Бу киссадаги гаплар ташки томондан карапса, олдинги асарларда хам бордек туюлади. Лекин бу ердаги каҳрамонлар талкини оркали ёзувчи айтмокчи булаётган гапларнинг моҳиятига эътибор берсак, асарда инсон маънавияти билан boglik масаланинг бошка бир узига хос кирраси каламга олинганига гувоҳ булами. Асардаги Хикматулла хам, Бегимкул хам, Нилуфар хам уз характер хусусиятларига эга булган каҳрамонлардир. Уларнинг муомаласи, гап сузлари, харакатлари биз биладиган колипларга унчалик тушавермайди. Мухими, улар жонли инсонлар сифатида куз олдимизда узларининг фазилат ва кусурлари билан гавдаланади. Ёзувчи шу жахатларни курсата бориб, хулосани эса укувчининг узига хавола килади. О.Ёкубов юкорида тилган олинган асарларида мухим маънавий - ахлокий муаммоларни кутариш билан бирга , маҳорат жихатдан хам асардан – асарга усив борди.

Ёзувчининг романчиликдаги ижоди: Бу жанрда хам ёзувчи бир катор асарлар яратди. Уларни шартли равишда икки гурухга булиш мумкин: замонавий мавзуда ёзилган романлари – бунга «Эр бошига иш тушса...», (1966), «Диёнат» (1977), «Ок кушлар, оплок кушлар» (1986), «Адолат манзили» (1994) каби асарлари киради; тарихий мавзудаги романлари – бунга «Улугбек хазинаси» (1973), «Кухна дунё» (1983) каби асарлари киради.

О.Ёкубовнинг замонавий мавзуда ёзилган романлари. «Эр бошига иш тушса...» романни Иккинчи жаҳон уруши даврида узбек кишлоқларидаги хаёт тасвирига багишланган. Роман қаҳрамонлари хаётга энди кадам куйиб келаётган ёшлардир. Адибнинг маҳорат шундаки, уруш ортидаги хаётни, тугрироги, урушни ҳалқ бошига солған кулфатини ёшларнинг дунёкараши, тушунчаси оркали очиб берган. Романдаги ҳар бир образ узининг аник киёфасига эга. Улар романда уз ёши ва савияси даражасида харакат килади. Машраб, Кучкор, Ақмал каби ёшлар образини яратишда ёзувчи романтик бүёклардан тасвирда маҳорат билан фойдаланган. Романдаги уруш катнашчиси Комил образи ҳам муваффакиятли чиккан. У асарда доим ёшларга мададкор, гамхур киши сифатида курсатилади. Ёзувчи салбий қаҳрамонлар киёфасини чизишда ҳам анча маҳорат курсатган. Бу борада Эртоев, Чавандоз каби образлар талкини шундай таассурот колдиради.

«Диенат» романини укиганимизда юртимиз тарихига тургунлик йиллари деган ном билан кирган давр куз олдимизга келади. Үнда уша давр билан bogлик булган ҳаёт муаммолари акс этган. Лекин бундан асар хозирги кунимиз учун ахамиятли эмас, деган ҳулоса келиб чикмаслиги лозим. Чунки бадиий адабиетнинг вазифаси ҳамиша инсон ҳаётига, унинг турли вазиятлардаги холатига эътиборни каратиш, шу оркали укувчини уз ҳаётига, юриш – туришига, килаётган ишларига разм солишга даъват килишдир. Бундай жихатлар эса «Диенат» романнада етарличадир. Юксак бадиийлик талаблари даражасида яратилган асарлар, у муайян бир давр ҳаётига багишланган булса-да, ҳамма вакт китобхоннинг маънавий жихатдан узишига хизмат килади. «Диенат» даги Отакузи Умаров, Нормурод Шомуродов, Жамол Бурибоев, Аброр Шукуров ва бошка катор образларга шу нуктаи назардан ёндошсак, уларда сабок олиш мумкин, булган уринлар куплиги маълум булади.

«Оккушлар, оппок кушлар» романнада ҳар кандай шоитда ҳам ҳалол ишлаб, ҳалол яшаган, оккушлардай покиза булган одамларимизнинг киёфалари самимий бир меҳр билан тасвирланган. Бригадир Шорахим шоввоз, профессор Расул Нуриддинов, масъул раҳбар ходим Иван Белобородов образлари шундай ҳусусиятга эга инсонлар сифатида илик таассурот колдиради. Романда бу уч инсоннинг бир – бирига boglab турувчи сабаблар ҳам асослаб беришган. Япон самурайларига карши олиб борилган урушда уларнинг тақдир йули бир – бири билан туташиб кетганлиги тасвирлардан бизга маълум булади. Ҳалоллик, покизаликка асосланган бу дустлик кейинчалик ҳам давом этади. Лекин уларнинг даврасидадан бу дустликка хиёнат килганлар ҳам чикиб колади. Бу – Музаффар Фармоновдир. Урушда юрган кезларида юкоридаги дустларидан куп яхшиликлар курганига қарамай, юртга кайтгач, у узгариб кетади, нопок йуллар билан бойлик ортиради, маънавий бузук ишлар билан шугулланади. Окибатда узидан имконияти паст булган дустларини менсимай куяди, имконияти юкори булганларини эса пора билан узига якин килмокчи булади. «Ок кушлар, оппок кушлар» асари 80 – йилларнинг урталарида бошланган маънавий – рухий узгаришлар жараёнига ҳозиржавоблик билан муносабат билдириб ёзилган романdir.

«Адолат манзили» романни 80 – йилларнинг иккинчи яримида одамлар тилида «узбек иши» деб ном олган ҳалкимиз тақдирига даҳлдор аянчли бир ходисага багишланган асардир. Бу асарнинг О.Ёкубовнинг «Диёнат», «Оккушлар, оппок кушлар» романлари билан мантикан boglanadigan жихатлари бор. Чунончи, ҳар уч асар ҳам собик шуролар давридаги ҳаётнинг мухим нукталарига багишланган. «Диёнат»да кейинчалик «тургунлик йиллари» деб ном олган бир боскич ҳакида гап кетади. «Ок кушлар, оппок кушлар...»да тарихга «кайта куриш, ошкоралик» деган ном билан кирган йилларга даҳлдор воқеалар каламгаолинган. «Адолат манзили» эса узбек ҳалкини ҳалкаро микиёсда бадном килишга қаратилган ҳаракатларга багишлаб ёзилган асардир. Мустабид шуролар тузуми давридаги ҳалкимиз ҳаётининг ана шундай учта мухим ва мурakkab боскичига багишланганлиги бу уч асарни бир – бирига якинлаштириб, узаро boglab туради. Мазкур романлардаги баъзи бир персонажлар уртасида ҳам ички бир якинликлар борлиги сезилиб

туради. Булар Нормурод Шомуродов, Шорахим шавваз, Ветеран (асл исми Шербута Норбутаев) каби образлардир. Улар узларини шуролар тузимида багишланган одамлардир. Шулардан иккитаси, яни Нормурод домла билан Шорахим шаввазлар бошларига куп огир кунлар тушса –да, тузумдан (одамлардан) норози булишмайди. Ленкин Ветеран шулар сафида келаётган одам булса –да, узининг карашлари, мулохазалари билан улардан анча фарқ килади. У узининг килган хизматларига нисбатан адолатсиз окибат булганини очик – окора айтиш даражасигача кутарилади. Ветеран уз мулохазалари билан шуролар сиесатининг асл мохиятини очиб ташлайди.

Романдаги Суюн бургут образи хам муваффакиятли чиккан. Ундаги хам инсонга, хам раҳбар шахсга хос сифатлар турли нукталардан туриб курсатилган. Бу образ талкини янада жозибали, жонли ва хаётий килиб курсатиши учун ёзувчи ифода усууллари уфкини янада кенгрок олади. Бинобарин, Бургут образига реалистик ифода усулига хос сифатлар хам, шу билан бирга халк достонларига хос романтик услуб сифатлари хам сингдирилганини кузатамиз. У узининг самимийлиги, мардлиги, халоллиги билан укувчидан яхши таассурот колдиради. Романдаги Маржоной, Бибисара, Лочин каби катор образлар хам воқеалар ривожида мухим урин тутади. Романда катор салбий образлар хам яратилган. Буларга собик директор Мансур меш, «юкорининг топшириги» билан тергов ишларини олиб бораётган Шерановский, Миржалолов, иродасиз собик обком котиби Нажмиддинов каби бир катор кимсаларни киритиш мумкин.

О.Ёкубовнинг тарихий мавзудаги романлари. Ёзувчи каламига мансуб «Улугбек хазинаси» романи узбек тарихий романчилигининг энг яхши намуналаридан бири хисобланади. Бу асар куп тилларга таржима килинган, замонамизнинг машхур адилларининг юкори баҳоларига сазовор булган. «Улугбек хазинаси» камраб олган даври нуктаи назаридан М. Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» трагедиясига якин туради. Лекин, бу ташки якинлик, холос. Чунки хар икки асарда хам Улугбек хаётининг сунгги даври – мураккаб бир боскичи каламга олинган булса – да, хар бир адаб масалани мутлако узига хос тарзда бадиий ифодасини беришади О.Ёкубов укувчи диккатини Улугбекнинг моддий хазинасига эмас, балки маънавий хазинасига каратишни уз олдига максад килиб куйган. Шунинг учун Улугбек сиймоси хаётнинг мураккаб воқеалари окимида курсатилар экан, унинг маърифат, илм-фан соҳасида килган ишлари бу окимда кумилиб кетмайди, балки ажралиб, бу буюк шахснинг тарих олдидағи хизматларини курсатадиган асосий мезон сифатида кузга ташланаб туради.

Романдаги образларни икки кутбга ажратиш мумкин. Унинг бир кутбидан Абдулатиф бошчилигидаги шайх Низомиддин Хомуш, Салоҳиддин заргар, амир Жондор, айгокчи Кашкир, Саид Аббос кабилар турса, иккинчи кутбидан Али Кушчи бошчилигидаги маърифат фидоийлари булмиш ёш шогирд Мирам Чалабий, шоир Каландар Карнокий, Уста Темур Самарқандий, маърифатли аёл Хуршида бону кабилар туради. Романдаги психологизм тасвирида ёзувчи маҳорати гоят юксакликка кутарилганининг гувохи буламиз. Хусусан, бу холат Мирзо Улугбек хамда Абдулатифлар рухиятини курсатувчи лавхаларда ёркин кузга ташланади. Шунингдек, бундай маҳорат натижаларини мураккаб образ сифатида таассурот колдирадиган Мавлоно Мухиддин кечинмалари, руҳий чайкалишлари тасвирида хам курамиз.

О.Ёкубов 1973 йилда ёзиб тугалланган бу асарини Мирзо Улугбекнинг 600 йиллик юбилейи муносабати билан кайта кулга олди, 1994 йилда унинг тулдирилган кайта нашрини эълон килди. Табиийки романнинг янги нашрига у бир катор тузатиш ва тулдиришлар киритди, матнни янгидан таҳрир килди, замон талабидан келиб чиккан холда уни бошдан охиригача кайта куздан кечириб чиқди. Шуларнинг натижаси сифатида Улугбекнинг суюкли Юлдуз билан мулокатлари, бобоси Амир Темур хакидаги хотиралари берилган янги лавхалар билан асар тулдирилди.

О.Ёкубовнинг «Кухна дунё» романида уз золимлиги билан жаҳонга машхур булган, зурлик тарикасида замонисининг алломаларини доруссалтанатга йиккан, окибатда сарой кутубхонасида нодир асарлар тупланишига сабабчи булган шоҳ Махмуд

Газнавийнинг умрининг сунгги кунларида килган ишлари холати хозирги давр нуктаи назари билан ёритилади. Асарда тарихий вокелик билан бөглик тафсилотлар етакчилик кильмайди, балки адабнинг қахрамонлар рухий оламига, хатти- харакатига сингдириб юборилган инсон манавияти билан алокадор воеалар тизими асосий урин эгаллади. Романда асли исми Кутлугкадам булган, лекин Газнада Маликул аш-Шароб номи билан машхур булган донишманд ва шоир образи бор. Бу образ асарда муҳим вазифани бажаради. У ҳаётда жуда куп машаккатларни бошидан утказган, ҳакикатгуй, адолатпарвар, ҳалкнинг дарди билан яшайдиган бир инсон сифатида талкин килинади. Бу талкин романда узига хос ифодавий усулни вужудга келтирган. Чунончи, газалнавининг куп килган ишлари шу образ –Маликул шаробнинг хотиралари тарзида олдимизда жонланади. Шунингдек, романдаги Пири Букрий Садафиби, Бобо Хурмо, Исмоил Гозий каби катор образлар хам роман сюжетида узига хос урин тутади. Лекин романнинг марказида Ибн Сино ва Берунийлар образлари туриши аник сезилади. Улар ҳалкнинг хам улуг фарзандлари сифатида, хам диёнатнинг, ҳалоллик ва покликнинг рамзи сифатида талкин этилгандир. Шунинг учун хам улар ҳар кандай оғир холатларда уз эътиқодларидан чекинмайдилар, узлари танланган йулдан оркага кайтмайдилар. Шу максад ва эътиқод, масалан, Берунийни хибсда ётган пайтида янги илмий қашфиёт (маъданнинг солиширима оғирлигини улчайдиган асбоб ясаш)га олиб келади; Ибн Сино Абу Шилким Ибн Шахвоний- сохта Ибн Сино билан юзма –юз келганда рухиятини узгартирилди, узини химоя килишга уриниб утирмайди. Шунга ухшаш бу алломаларнинг куп ибратли жихатлари романда яхши очиб берилган. Асардаги Махмуд Газнавий образи хам психологик талкиннинг чукурлиги билан ажралиб туради. Хуллас, «Кухна дунё» романни хам узбек тарихий романчилигига муносаб уринга эга булган асардир.

О.Ёкубов драматургияда хам тажриба килиб курган. У 1958 йилда «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим», «Юрак ёнмоги керак» 1961 йилда «Олма гуллаганида» каби пьесалар ёзган. «Дилбарим», «Бахор ёмғирлари» каби киносценарийлар хам яратган. Лекин у ёзувчиликнинг барча шухратларига насрда яратган асарлари оркали эришиди.

Назорат топшириклари:

- 1.1.1. О.Ёкубов хаётидаги асосий нукталар нималардан иборат?
- 1.1.2. О.Ёкубовнинг адабиётга кириб келиши кандай кечди?
- 1.1.3. О.Ёкубов кандай хикоялар яратган?
- 1.1.4. О.Ёкубов «Видо» хикоясидаги Абдулла ва Нодирбек образлари оркали нима демокчи?
- 1.1.5. Ёзувчи «Муқаддас»даги Шариф образида кандай гояни илгари суради?
- 1.2.1. «Бир фельетон киссаси» даги журналист Учкун образида кандай фикр мужассамлашган?
- 1.2.2. «Канот жуфт булади» киссасидаги Сайёра образига сингдирилган манавий – ахлоқий хулоса нимадан иборат?
- 1.2.3. «Иzlайман»даги ёшлар образи асарга нима максадда киритилган?
- 1.2.4. О.Ёкубов кандай романлар эълон килди?
- 1.2.5. «Улугбек ҳазинаси» романнинг тарихий ҳакикат билан бадиий тукиманинг муносабати кандай?
- 1.3.1. Уруш йилларида севган йигитларига хиёнат килган аёллар образи яратилган О.Ёкубов романлари кайси жавобда тугри курсатилган?
 - A. «Эр бошига иш тушса», «Адолат манзили».
 - B. «Ок күшлар, оппок күшлар», «Кухна дунё».
 - C. «Эр бошига иш тушса», «Диёнат»
- 1.3.2. Сохта йуллар билан олимлик даражасига эришмокчи булган қахрамон О.Ёкубовнинг кайси романнинг берилган?

- А. «Эр бошига иш тушса».
- Б. «Диёнат».
- С. «Адолат манзили».

Адабиётлар .

1. Расулов А. Тиниклик. «Янги замон – янги каҳрамон» китобида . Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1976 .
2. Каримов Х. Ижод ва истедод. «Адабий портретлар» китобида Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1985 .
3. Худайберганов Н. Парвоз давом этади. Т., Г.Гулом номидаги нашриёт , 1980.
4. Кужонов М. Калб поклиги. Сайланма. Икки томлик 1 – том. Т., Г.Гулом номидаги нашриёт 1982.
5. Шарафиддинов О. Ижод довонлари оша. «Биринчи мужиза» китобида. Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1978.

Мавзу: Пиримкул Кодиров.

Мавзу режаси:

1. П.Кодиров – хикоянавис.
2. П.Кодиров - киссанавис.
3. П.Кодиров – романнавис.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

Номзодлик диссертацияси, маслахатчи катта илмий ходим, муҳтасар тарихий роман, вокеий хикоя, хаётнинг бадиий характеристикаси, кисса навислиқ, характеристикинг тобланиши, сехрли – фантастик унсурлар, тасвирда юмор, сюжет маркази уз-узини таниш, замонавий рух, хаётий проблемалар, мъянавий – рухий тулкинлар, шахсий муносабатлар гирдоби олмос камар, давр колипи синфиийлик тушунчаси, марказлашган давлат, идеаллаштириш, тарихий манбалар, Бобур – хукмдор, Бобур – шахс ва х.к.

Уқитувчининг максади:

Талабаларни бу узига хос ёзувчи ижоди билан таништириш.

Идентив укув максадлари

- 1.1. П.Кодировнинг узбек адабиёти ривожидаги хизматларини тасаввур этади
- 1.2. П.Кодировнинг ёзувчилик маҳоратига хос булган жихатлар билан танишади.
- 1.3. П. Кодиров ижодига хос йуналишлар буйича муайян билимга эга булади.
- 1.4. П.Кодиров ижодининг ибратли жихатлари нималарда эканини аниклаб олади.

Асосий масала баёни:

Хаёти: 1928 йилда Тожикистоннинг Уратепа туманидаги Кенг кул кишлогида тугилди. 1951 йилда Урта Осиё Давлат университетининг шарқшунослик факультетини тутатган. Москфвада Жаҳон адабиёти институти аспирантурасида булган ва 1954 йилда «Абдулла Каҳхорнинг урушдан сунгги ижоди» мавзуида номзодлик диссертациясини ёклаган. 1954-1963 йилларда СССР ёзувчилар уюшмасида узбек адабиёти буйича

маслахатчи, 1963 – 1983 йилларда Узбекистон ФАдаги Тил ва Адабиёт институтида катта илмий ходим булоиб ишлаган.

Китоблари: 1950 йилда «Студентлар» деган хикояси китоб холида нашр этилган. Кейинги йилларда «Беш йилликлар фарзанди» (1951), «Олимамиз» (1953), «Хикоялар» (1953) каби тупламлари чиккан. «Кадрим» (1959), «Эрк», «Мерос», «Нажот» (1981), «Акрамнинг саргузаштлари», «Яйра институтга кирмокчи» (1975) каби киссалар ёзган. П.Кодиров «Уч илдиз» (1958), «Кора кузлар» (1965), «Олмос камар» (1977-1983), «Юлдузли тунлар» (1978), «Авлодлар давони» (1988), «Она лочин видоси» (мухтасар тарихий роман, 1997), романларини яратди.

Ёзувчининг хикоялари : П.Кодиров узининг ижодий фаолияти давомида бир катор хикоялар ёзган. Унинг адабиётга кириб келиши хам хикоя жанри билан боғлик. Эҳтимол, олдинги ёзган хикоялари бадиий жихатдан ёзувчини кониқтирумаса керакки, уларни кейинги китобларига киритмаган. Лекин ёзувчининг «Акрамнинг саргузаштлари» (1988) деб номланган китобида З та киссадан ташкари бир катор хикоялар берилган. Булар «Иссикул сафари», «Хатарли учрашув», «Океандаги олишув», «Илинж», «Жангчининг касоси» кабилардир. Бу хикояларнинг деярли хаммасини воеий хикоялар дейиш мумкин. Чунки уларнинг асосида ёзувчининг уз хаёти, курган – кечирган воеалари билан боғлик тасвирлар туради. Чунончи, «Аму чангалида», «Халоскор», «Хатарли учрашув» каби хикояларидаги воеалар ёзувчининг уз бошидан утганлиги сезилиб туради. «Фил минган саёхлар», «Океандаги олишув» хикояларини эса ёзувчи Хиндистонга килган сафарлари таассуроти билан ёзган. Бу хикояларни биринтириб турадиган яна бир жихат бор. Улардаги воеалар марказида болалар образи туради. Хатто, «Халоскор» хикоясида хам машина фалокатининг содир булишида ёш кизча иштирок этади. Ёзувчининг ушбу тупламга кирган «Илинж» хикояси қаҳрамонлари ёш жихатдан булардан фарқ килади. Унда уруш беваси Икбол опа образи марказда туради. Лекин бу хикоя хам воеий асарлар туркумига киради. Ёзувчи унга Ватан химояси йулида эрлари урушда халок булган икки опасининг фидойи хаёти ва оғир такдирларини асос килиб олган «Жангчининг жасорати» хикоясида эса таникли адабиётшунос олим Матёкуб Кушжоновнинг утган урушда сипайиер сифатида курсатган жасоратидан айрим лавхалар Матназар Бекжонов образи оркали берилади. «Олов» хикоясида хам шундай холатни кузатиш мумкин. Унинг қаҳрамони ифодасида акаси Хайдарнинг Сталинград жангларидаги иштироки билан боғлик воеалар каламига олинган.

Ёзувчининг «Юракдаги күёш», «Жон ширин» хикоялари эса бошкacha йуналишда ёзилган асарлардир. Биринчи хикоя ёшларнинг хаётдаги урни, севги – мухаббатларини излашлари ва бу йулда содир булиши мумкин булган хар хил холатлар ифодасига багишлиланган. Иккинчи хикоя – «Жон ширин» да шуролар давридаги хаётнинг муайян даражадаги бадиий характеристикаси берилган дейиш мукин. Унда пахтага солинган дорининг даҳшатли оқибатлари хакида гап кетади. Шу маънода бу асар фактатилган даври учун эмас, балки бошқа даврлар учун хам мухим муаммони бадиий воситалар ёрдамида кутарган. Шу туфайли бу асарнинг такдири бир оз оғир кечганки, буни шу жихатлар билан изохлаш мумкин.

Ёзувчининг киссалари: бу соҳада ёзувчи талай асарлар яратди. «Акрамнинг саргузаштлари» асари болаларга багишлиланган. Бунда кичикинтои китобхонлар эндиғина йигирмагача санашни урганган тенгдошларининг аста – секин вояга етишини, бошдан кечирган ҳангомалари, характеристикнинг тобланиш, аёкка туриш ва уйгониш жараёнини кузатиш икониятига эга буладилар. «Нажот»да ёзувчи афсона мотивларига мурожаат этади, ҳалқпарварлик, адолат каби мухим муаммоларни кутариб чикади. Киссада сехрли – фантастик унсурлар билан реалистик унсурлар кушилиб кетган. У машхур «Уч оғайнин ботирлар» эртагини ёдга туширади. Эртакдаги таянч нукталарни саклаган холда ёзувчи уни деярли кайта ишлайди ва ривожлантиради. «Яйра институтга кирмокчи» - бундан анча йиллар олдин ёзилган асар. Унда тасвирда хазил-мутойиба юморга кенг урин берилган. Лекин хаётдаги кулгили, енгил – елпи воеаларга багишлиланган эмас. Балки

ёшларнинг олий укув юртларига кириши, хаётдан уз урнини топишга интилиши билан баглик жиддий муаммолар кисса сюжетининг марказида туради. «Кадрим» киссаси ёзувчига анча шухрат келтирган асарлардан хисобланади. Ундаги Искандар табиатан соддадил, меҳнаткаш йигит, хатто фидойи хам. Лекин у фидойиликни жуда жун ва ибтидоий бир холда тушунади. Шу сабабли хам у узок вакт мутелик гирдобидан кутуломлай юради. Унинг бу хусусиятлари бошка мухитга, инсоннинг ким эканини очикрок ва тезрок курсатадиган шароитга тушгач секин – секин узгара бошлайди. Ва шу тарика унда уз-узини таниш жараёни, характеристида уз кадрини тушуниш, билиш каби жихатлар етакчи урин эгаллаб боради. «Мерос»да халкимизга хос булган энг яхши хислатлар муайян образлар характеристи мисолида ифода этилади. Асар қаҳрамони Ёлкин Отажонов ана шундай хислатларни олдинги авлодлардан мерос килиб олган. Уз хаётида уни янада купайтиришга, бойитишига характеристика килади. Шу маънода асарда бу қаҳрамон яратувчи одамларнинг бир тимсоли сифатида куз олдимизда гавдаланади. «Эрк» киссасида шахарда, йигирманчи асрга хос энг илгор, замонавий жабхада ишлаётган йигитнинг кисшлогқдаги оиласи ва Тошкентдаги севимли кизи орасида худди икки ут орасига тушгандай булиб кийналиши ва изтироблари курсатилади. Ёзувчи 60 – йиллар вокелиги ичиди туриб, неча хануз йигит севмаган кизига уйланиши ёки киз севмаган йигитга турмушга чикишга мажбур, деган савол масалани кундаланг куяди. Бунга жавоб излашга интилади. Ушбу жараёнга укувчи китобхонни хам жалб этади. Шунинг учун ёзувчи бу мураккаб масаланинг ечимини асарда бермайди, балки уни хulosасини укувчининг узига хавола этади. Шу тарика Саттор – Ойшахон – Розия муносабатлари китобхонни локайд колдирмайди.

Ёзувчининг замонавий мавзудаги романлари. «Уч илдиз» романида 50-йиллардаги студетлар орасидаги фикр олишувлар ва бошка катор зиддиятлар, умуман, ёшлар хаёти манзаралари куз олдимизда жонланади. Бу асарда ёзувчи уз бошидан утганларини ёзди, ичидан кузатиб юрган хаётни тасвиirlади, ёшларга хос катор хаётий муоаммоларга жавоб топиб, уларга йул-йурик курсатишга мувафак булди. «Кора кузлар» да П.Кодиров юртимизнинг гузал табиатини алоҳида жазиба билан акс эттирди. Лекин бу асар факат табиат поэтикасидан иборат эмас. У аввало инсонни, оддий меҳнат кишисини, унинг кундалик хаётини улугловчи асардир. Бирок ёзувчи уз қаҳрамонлари тасвирида хам табиатга жуда якин туради. Аваз, Хулкар, Холбек ва Жаннатхонларнинг табиий кишилар-табиат фарзандлари килиб курсатишга интилади. Чунки инсонда табий фазилатлар канча куп булса, у рухан шунча соглом булади, унинг маънавий дунёси шунчалик тиник ва мусаффо булади. «Олмос камар» да эса олдинги романдан фарклирок шахар хаёти муаммолари акс этган. Тошкентни кайта тиклаш, уни яна хам куркамлаштириш, унга замонавий рух багиашлаш масаласи романнинг бош масаласидир. Унда шунга ухшаш катор мухим хаётий проблемалар билан бирга талай тақдирлар хам тасвиirlанади. Вокеалар оқимининг ичиди учта қаҳрамоннинг фаолияти диккатимизни бутун асар давомида тортиб туради. Булар – Аброр, Вазира ва Шерзодлардир. Улар бир пайтлар бирга укишган, курсдош. Аброр билан Вазира эр-хотин. Талабалик пайтларида Шерзод Вазирани яхши кураган. Ана шундай маънавий – руҳий тулкинлар фонида ёзувчи асар сюжетини яратади. Бу холат касби архитекторлик булган бу қаҳрамонларнинг ичдан туриб курсатиш, руҳий кечинмалари оқимини тез-тез юзага чикара олиш имконини беради. Албатта, қаҳрамонлар факат шахсий муносабатлар гирдобидагина курсатилмайди. Асарда шахарга олмос камар булиб хизмат киладиган Бузсув каналини ободонлаштириш, унинг буйларини гузал оромгохга айлантириш масалалари хам уртага куйилган. Табиийки, бу масала қаҳрамонлар уртасида кескин тортишувларни, фикрлар курашини келтириб чикарди. Романда халкимиз тумушига оид бошка мухим муаммолар хам каламга олишган.

П.Кодировнинг тарихий мавзудаги романлари. «Юлдузли тунлар» ёзувчи ижодида алоҳида урин эгаллайди. У «Улугбек хазинаси»дан сунг романчилигимизнинг яхши намуналардан бири сифатида укувчилар эътиборини козонди. Лекин унинг такдири

шуролар даврида осон кечмади. Романга уша давр колипларидан келиб чиккан холда турли айблар куйилди. Унда синфиийлик тушунчаси етишмайди, бош қаҳрамон образи идеаллаштирилган кабилидаги гаплар айтилди. Маялум бир вакт давомида асар такиклаб хам куйилди. Лекин роман бу синовларга чидаш берди. Хозир у мактаб дарслигидан урин олган. «Юлдузли тунлар»да Бобурнинг мураккаб хаёти, марказлашган давлат тузиш йулида чеккан азиятлари, иродаси ва жасорати кенг тасвирланган. Романдаги воеалар тасвири Бобурнинг Андижондаги ёшликтарни тасвиридан бошланиб, Аграда вафот этиши билан якунланади. Ёзувчи романни яратишида «Бобурнома», «Хумоюннома» каби тарихий манбалардан унумли фойдаланган. Асарда бош қаҳрамон образи гоят серкирра бир шаклда яратилган. Шунинг учун куз олдимизда ота –онасига окибатли фарзанд, фарзандларига эса меҳрибон ота, талантли ижодкор, илм-фан ва маданият хомийси, ватанпарвар инсон, доно подшох ва мохир саркарда, зийрак дипломат сифатида катор хислатлари билан жонланади. Ёзувчи буюк тарихий шахс образини шу каби кирраларини курсатар экан, укитувчи диккатини булардан иккитасига купрок жамлашга харакат килади. Бу – Бобур – Хукмдор ва Бобур – шахс каби йуналишларнинг бадиий ифодаси масаласини романда айрича кузга ташланиб туришидир.

Назорат топшириклари:

- 1.1.1. П.Кодировнинг хаёт йули кандай кечди?
- 1.1.2. У кандай китоблар нашр эттириди?
- 1.1.3. П.Кодиров каламига мансуб кандай воеей хикоялар бор?
- 1.1.4. Унинг хикоянавислик ижодида уруш мавзуси кандай урин тутади?
- 1.1.5. «Жон ширин» хикояси ёзувчи ижодида кандай урин тутади?
- 1.2.1. П.Кодировнинг киссачилик фаолиятида болалар хаёти тасвири кандай урин тутади?
- 1.2.2. «Яйра укишга кирмокчи» киссасининг асосида кандай воеалар туради?
- 1.2.3. «Кадрим» киссасида ёзувчи маҳорати кай тарзда намоён булади?
- 1.2.4. «Мерос»да кишлек хаёти пахтакор меҳнати кай даражада акс этган?
- 1.2.5. «Эрк»даги инсон эркини кандай талкин килиш мумкин?
- 1.3.1. П.Кодировнинг кайси асарида талабалар хаёти кенг тасвирланган?
 - А. «Уч илдиз».
 - Б. «Яйра укишга кирмокчи».
 - С. «Олмос камар».
- 1.3.2. Абдулатифга хос булган салбий хусусиятларнинг куртаклари П.Кодировнинг кайси тарихий асарида уз ифодасини топган?
 - А. «Юлдузли тунлар».
 - Б. «Авлодлар довони».
 - С. «Она лочин нидоси».

Адабиётлар.

1. Норматов У.Хакикатнинг машаккатли йули. «П.Кодиров. Сайланма» нинг учинчи жилдида.
2. Кушжонов М. Бахсларда улгайган ижод. Сайланма. Икки томлик. 1. Томлик Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1982 й.
3. Шарофиддинов О. Улгайиш. «Адабий этюдлар» китобида. Т., Узадабий нашр, 1867 й.
4. Шермуҳаммедов П. Примкул Кодиров (Адабий портрет). Т., Г.Гулом нашриёт, 1983 й.

Мавзу:Шукур Холмирзаев.

Мавзу режаси:

1. Ш.Холмирзаев – мохир хикоянавис.
2. Ш.Холмирзаев киссалари.
3. Ш.Холмирзаев романлари.
4. Ш.Холмирзаев - драматург.

Мавзудаги таянч тушунчалар:

Тог беги, гузаллик «ташвикотчи»лари, экология масаласи, хикоядаги рамзий мазмун, хикоянинг полифониклиги, мутелик, тоталитар тузум, эссе ва х.к.

Асосий масала :

- 1.1. Шукур Холмидаев.

Уқитувчининг максади:

Талабаларда Ш.Холмирзаевнинг узига хос ижоди хакида тушунча ва тасаввур хосил килиш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1. Ш.Холмирзаевнинг адабиётимизнинг сунгти 40 йиллик ривожидаги хизматларини билиб олади.
- 1.2. Ёзувчи ижодида кандай йуналиш етакчилик килишини англаб етади.
- 1.3. Ёзувчи маҳорати кайси соҳаларда купрок намоён булишини аниклаб олади.
- 1.4. Ёзувчи ижодидаги миллий бўёкларнинг маъносини чукур хис этади.

Ёзувчи 1940 йилда Сурхандарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. Тошкент Давлат Университетининг филология факультетидаги журналистика булимини тугутган.

Ш.Холмирзаевнинг ижоди талабалик йилларида бошланган булиб, 1963 йилда босилган «Тулкинлар» киссаси А.Каххордек буюк ёзувчининг эътиборига сазовор булган эди.

Адид гарчи бир катор киссалар, романлар, песалар яратган булса-да, у узбек адабиётида энг мохир хикоянавис сифатида танилган. Ш.Холмирзаевнинг «Олис юлдузлар остида», «Хаёт адабий», «Огир тош кучса», «Бодом кишида гуллади» каби тупламларига кирган куплаб хикоялари ана шундай хулоса килишга имкон беради.

«Бодом кишида гуллади» туплами мундарижаси булимлари Ш.Холмирзаев хикояларининг етакчи мавзуларини белгилаб олишда ёрдам беради.

Маълумки, бу туплам 4 кисмдан иборат булиб:

«Тог хаёти»
«Дашт хаёти»
«Кишлок хаёти»
«Шахар хаёти» деб аталади.

Бу булиниш бир карашда О.Бальзакнинг «Инсоний комедия» асарига кирган романлар туркумига ухшаб кетади. Дарҳакикат, шу саналган жойлар хаётини Ш.Холмирзаев жуда яхши билади. Шунинг учун хам бу кисмларга кирган хикоялар ута хаётий, самимий ва таъсирчан чиккан.

Жумладан, тог хаёти ёзувчига болалаикдан таниш. Тог хаётининг уз муаммолари, уз яхши ва мураккаб томонлари бор. Тупламдаги «Ой ёргугида», «От эгаси», «Жарга учган одам», «Ёввойи гул», «Кулган билан кулдирган» хикоялари ана шу тог хаётидан хикоя килади.

Булар орасида айникса «Жарга учган одам» хикояси алоҳида ажралиб туради. Хикоянинг бош қаҳрамони табиат шайдоси – тог беги Исломдир. У узи тугилиб усган тогни жон – дилидан севади, унинг хар бир гиёхини куз корачигидек асрайди. Аммо, табиат хакида фильм яратишга келган шахарлик гузаллик «ташвикотчи»ларининг табиатга факат таъмаргирлик билан карашлари, гузаллик хисётини кутири босгандиги она айикни пустин учун уйламай-нетмай отиб улдириши Исломни бутунлай узидан чикариб юборади: у урган муштнинг зарбидан «овчи» жарга караб учди.

Умуман, Ш.Холмирзаев хикоялари орасида табиатни асраш-авайлаш, экология масаласи етакчи мавзулардан бири саналади.

Жумладан, «Дашт хикоялари» туркумига кирувчи «Чулок турна» хикояси адабнинг энг яхши асарлари сарасига киради. Хикояни укир экансиз, ёзувчининг синчиковлигига, хайвонлар, күшлар ва паррандалар феъл – автори, хаётини нечоглик яхши билишига койил коласиз. Эътибор килинг:

«Турналарнинг уялари нима учун бу кадар содда- ибтидоий кумга каттик босилган тужа изининг узи. Тагин очик ерга куйишади. Атрофи нега кичик тошлар билан куршалади? Бу уяларда яна бир гаройиботни куриш мукмкин: кайси турна иухум куйса, тухумлари билан ёнма-ён икки – учта от тезагини хам келтириб куяди? Улар нега керак?

Турна ут – улан орасига ин куйса-дахшат! Чунки аксар йиркиткичлар узларига емишни уша ут – уланлар орасидан излашади. Холис, текис ерданчи? Йўк. Лекин бирда-ярим йулакай турна уяси устидан утиб колиши мумкин. Шунда улар Она турналар куйган тухумларни курадими? Куради. Лекин нега чакиб еб куйишмайди? Чунки тухумларнинг ранги от тезагидан фарқ килмайди, от тезагида нима бор уларга! Ул атрофидаги тошчалар нега керак? Чул шамоллари тухумларни думалатиб кетмаслиги учун керак.

Яшаш шароитининг узи жонли-жониворларни хам кандай яшамокни ургатиб яратган ».

Аммо, «Чулок турна» хикояси шунчаки турналарнинг феъл – авторлари хакида ахборот бериш учун ёзилган эмас. Бунда хам бошка хикоялардагидек тасвир ортида инсон турипти. Чулок турна хаёти рамзида

яшаш учун кураш, хаёт тусиклари олдида чучимаслик, уларни мардона енгиб утиб, уз урнига эга була олиш лозимлиги хакида турмуш фалсафаси етади .

Ш.Холмирзаевнинг асосий қаҳрамонлари Сурхон воҳасининг содда, жумард одамларидир. Уларни феълу атворидан, турмуш тарзидан, тилидан ҳам таниб олса булади.

«Кишлок хаёти» туқумига кирган «Кария» хикоясининг қаҳрамони Кузибой чол ҳам ана шундай ута содда, тугри суз, юраги очик «узбекнинг соддалари» дан бири. У бор-йуги бозорда жарчи булиб умрини утказган. Оила, фарзанд курмаган бу бечора улимлигини ҳам тайёрлаб, минг сум пулни дусти Кобил кассобга бериб куйган. Аммо улими якинлигини айтиб, дусти ёнига киёматлик карзини эслатишга келган Кузибой чол ҳайратдан даҳшатга тушди: кассоб ундан олган пулидан тонади. Чол йиглаб – сиктади, кассобни каргади, жарчига айтиб бозорда уни шарманда килди. Лекин натижка чикмади: омонати куйиб кетди. «У жимжит уйда полос устида чузилиб ётиб, шу фикрга келди: «Бу ахволда мен кандок килиб уламан? Асти мумкин эмас, сирайм... Мен яна меҳнат килишим керак. Ҳалол пул топишим керак. Улимлик килишим керак... Ундан кейин улсам, бошка гап...».

У күшни чикарган овкатни зурлаб еди. Ярим кечада туриб, гушт ковурди. Сахар уйгониб, сойга тушди. Ювунди. Тетикланиб, кучага йул олди.

Кузибой чол аввалгидек булиб кетди».

«Узбекнинг соддаси»даги Палвон ака, «Табассум»даги Жалил ака, «От эгаси»даги муаллим, Инод кабилар ҳам Сурхон воҳасининг содда, аммо мард, тугрисуз, ҳамиятли кишлок ахли вакилларининг образлари сифатида ёдда колади.

Ш.Холмирзаев хикояларининг бош ҳусусияти уларда тасвирланган воеа ва қаҳрамонларнинг хаётийлиги, самимийлиги. Уларде кайси дир юксак «гоя»ни ташишга хизмат киладиган сохта, ясама қаҳрамонларни деярли учратмайсиз.

Ш.Холмирзаев хикояларининг тили хакида куп айтилган ва ёзилган. Қаҳрамонлар нуткида Сурхон воҳаси оддий ҳалкининг «теша тегмаган», содда, тупори, жонли ва образли тили узини куз – куз килади. Айни пайтда ёзувчи шева элементларидан фойдаланишда мезени ҳам эсдан чикармайди.

Севимли ёзувчимиз сунгги пайтлар хикоя ёзишни сусайтириб, купрок роман жанрига кизикиб кетди. Албатта, бу асарларнинг ҳам уз урни бор. Аммо адабнинг хикоя ижод килишни ҳам сусайтирмаслигини истардик. Зоро, А.Каххор айтганидек, «ёзувчи жанрни эмас, жанр ёзувчини танлайди».

Назорат топшириклари:

- 1.1.1. Ёзувчи асарларига хос асосий фазилатлар нималарда намоён булади?
- 1.1.2. Ёзувчининг кайси китобида унинг хикоялари кенгрок куламда жамланган?
- 1.1.3. Ёзувчи хикояларидаги қаҳрамонларга купрок кайси хислатлар хос?
- 1.1.4. Ёзувчи хикояларида қаҳрамонлар руҳий ифодасини кандай беради?
- 1.1.5. «Ёввойи гул» хикоясининг гояси нима?

- 1.2.1. Ёзувчининг дастлабки киссаси нимага багишланган?
 - 1.2.2. «Тулкинлар», («Букри тол») киссаси хакида А.Каххор кандай мuloхазалар билдирган?
 - 1.2.3. «Ун саккизга кирмаган ким бор» киссасининг каҳрамонлари булган ёшлар образи оркали ёзувчи нима демокчи?
 - 1.2.4. Ш.Холмирзаев илк романи – «Сунгги бекат»га нима учун шундай ном берган?
 - 1.2.5. «Олабужи» романидаги Ултон образига хос асосий хислатлар нималардан иборат?
- 1.3.1.Иброхимбек образи Ш.Холмирзаевнинг кайси романида учрайди?
 - А. «Сунгги бекат»,
 - Б. «Кил куприк».
 - С. «Олабужи».
 - 1.3.2. Ш.Холмирзаев кайси асари учун Давлат мукофотини олишга муюссар булган ?
 - А. «Кил куприк»
 - Б. «Диназавр»
 - С «Кора камар»

Адабиётлар.

1. Норматов У. Узига хослик сирлари. «Насримиз аньаналари» китобида Т., 1978 й.
2. Норматов У. Услуб, бадиий шакл муаммолари Ш.Холмирзаев билан сухбат «Етуклик» китобида Т., 1982 й.
3. Норматов У. Кичик музижалар. «Калб инкилоби» китобида. Т., 1986 й.
4. Кучкоров Р. Уч хикоя талкини «Ёшлик», 1986 , 6-сон.
5. Х.Каримов ,Шукур Холмирзаев, Т., «Катортол - Камолат» 1999 й.

Мавзу: Уткир Хошимов.

Мавзу режаси:

1. У. Хошимов хикоялари.
2. У. Хошимов – киссанавис.
3. У.Хошимов романлари.

Мавзудаги таянч тушунчалар:

Лирик хикоялар, драматик хикоялар, маънавий – ахлокий хикоялар, трагик каҳрамон, мураккаб хаёт муаммолари, сохта мухаббат, мактаб хаётининг мухим маънавий муаммоси, инсон хиссиётининг дахлизилиги, «Дунёнинг ишлари» - Она хакида достон ва х.к.

Асосоий масала:

1.2. Уткир Хошимов.

Уқитувчининг максади:

У.Хошимовнинг хаёти ва ижоди буйича талабаларда тушунча хосил килиш.

Идентив укув максадлари:

- 1.1. Ёзувчининг адабиётмиздаги урнини тасаввур этади.
- 1.2. Ёзувчининг насрининг хикоячилик, киссачилик ва романчилик соҳасидаги хизматлари нималардан иборат эканини билиб олади.
- 1.3. Ёзувчининг маҳорат сирлари билан танишади.
- 1.4. Ёзувчи асарларидағи хаётий воеалар тасвиридан тасвирланади ва керакли хуносалар чикаради.

Асосий масала баёни:

Ёзувчи 1941 йили Тошкентда туғилган 1964 йилда Тош ДУ нинг журналистика булимини тугатган Шундан сунг «Тошкент ҳакикати», «Совет Узбекистон», «Тошкент окшоми» газеталарида булим бошлиги, Г.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош мухаррир уринбосари вазифаларида ишлади. Хозир «Шарқ юлдузининг» журналининг бош мухаррири булиб хизмат кильмокда. Айни чогда у икки чакирикдан бери Олий Мажлис депутати, кумита раиси. У. Хошимов «Узбекистон ҳалк ёзувчиси» увонига сазовор булган.

У.Хошимов бир катор хикоя тупламлари, романларнинг муаллифи булиши билан бирга, айникса киссанависликда кенг шухрат козонд.

Ёзувчининг «Одамлар нима дер экан», «Шамол эсаверади», «Бахор кайтмайди», «Калбимга кулок сол», «Кавазарлар», «Дунёning ишлари» каби киссалари китобхонларнинг севимли асарларига айланган. Бу саналган киссаларнинг деярли ҳаммасида ёшлар хаёти, уларнинг муносабатлари, севги саргузаштлари, кувончию изтироблари каламга олинади.

Бу киссаларни унумлаштириб турган яна бир хусусият – уларнинг деярлик барчасида маънавий - ахлокий муаммоларнинг кутарилиши ва бадиий хал эттиришdir.

«Бахор кайтмайди» киссаси У.Хошимовнинг энг куп шов-шувларга сабаб булган асарларидан биридир. Кисса марказида талантли, интилувчан, аммо ютуклар олдида эсанкираб, масъулият хиссини йукотган йигит Алимардон Тураев фожеаси туради.

Бу талантли санъаткорни биз дастлаб шухрат оғушида курамиз: унинг истеъоди томошабинлари томонидан олкиш ва гуллар билан такдирланади. Аммо «Семизликни куй кутаради» деганларидек, бу шухрату олкишлар Алимардонга «огирлик» килди: у аста-секин узига бино куя бошлади, бошкалар назарида ундан паст, чумолидек курина бошлади. Томошабинлар

талабчанлигини менсимай куйди, дустларининг юзига оёк куйди, мажбур килиб уйланган гулдек хотинини, фарзандини маънавий хурлади.

Аммо хаёт хар бир нарсанинг тош-торозиси бор: оёги заминдан узилган, уз шахсидан бошкани унутган Алимардонни хаёти узи жазолади. Уз устида ишламай қўйғанлиги учун мухлислар ундан юз угиришди. Дустлари унга кул силтадилар, хотини ва фарзанди уни ташлаб кетиб колишди. Бу маънавий зарба этмаганидек, қаҳрамон жисмоний жихатдан нобуд булади: Машинасида жарга кулақ ҳалок булади.

«Бахор кайтмайди» киссасини укиб тугатар эканмиз, А.Ориповнинг «Дор ҳакида» шеъридаги шу сатрлар ёдга тушади:

Ажиб хикмат: одам уларкан:

Узилганда ердан оёги...

У.Хошимовнинг «Калбингга кулоқ сол» киссаси қаҳрамони Ёдгор хам мураккаб хаёт муаммоларига дуч келади. У етим усиб, уз кучи, интилиши билан хаётдан уз уринини ахтаради, бу йулда куплаб тусикларга дуч келади.

Азизанинг сухта мухаббатига ишониб, унга уйланганда, Ёдгорнинг бошига хаётнинг зарбаси келиб тушади: у узининг алданганини хурланганини хис этади, бу хонадондан бош олиб чикиб кетади.

Лекин такдирнинг тош-тарозиси бор: ойнинг ун беши коронгу булса, ун беши ёруг; Ёдгор узига баҳт ато килиши мумкин булган кизни топади- бу Чарос эди. Ёдгор – ҳалол, тугри суз йигит. У узининг бошидан утган саргузаштдарини, хаётда бир бор алданганини Чаросдан сир тута олмайди- унга бор гапни айтади. Албатта бу осонликча кечган жараён булмади: ёзувчи бу карорга келгунча Ёдгор қалбида кечган изтиробларни, иккиланишларни маҳорат билан курсатган.

Бу тусикларни енгиб утиб, Ёлгорга нисбатан мухаббатини саклай олган Чарос хам бу карорга осонликча келгани йук. Ёдгорнинг олдин уйланганини эшлиш унинг учун яшин ургандек булди. Унинг устига онаси Васила Назаровнанинг каршилигини енгиб утиш айникса осон булмади.

Васила Назаровна образи оркали мактаб хаётининг жуда мухим маънавий муаммоси кутарилган: укитувчилар купинча ёшларнинг хис - туйгуларига эҳтиёткорлик билан ёндошмайдилар, купол унга аралашиб, ёшларнинг қалбига жароҳат ётказадилар. Бу жуда кенг таркалган ходиса - Васила Назаровна факат кизи севгиси йулида тусик булиб колмайди: бу «сиёсати» ни у мактабдаги хамма кизларга нисбатан ишлатади. Жумладан 9-синф укувчиси Дилфузанинг севгилисига ёзган мактубини «қулга тушириб», уни бутун мактаб буйича гапга айлантириб юборади. Хиссиётлари оёк ости булган киз уз жонига касд килади.

Бу даҳшатли воеа инсон қалби, хиссиётлари даҳлсиз эканлигини, унга купол аралашиш шундай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини яна бир ёдга солади.

Худди шундай «тарбиявий иш» Ёдгор билан хам утказилади: у укиётган институтнинг хушёр раҳбарлари олдин уйланган булишига қарамай ёш кизлар «бошини айлантириб юрган» талабанинг ахлокий бузуклигини

«буйнига куйиб» институтдан хайдамокчи буладилар. Бу - бизга жуда таниш тарбия усули.

Хуллас У.Хошимов ёшлар хаётида жуда типик булган ходисалар силсиласида инсон эрки, уни асраб авайлаш кераклиги, инсонга меҳрмуруват, уни тушунишга уруниш каби мухим маънавий муаммоларни ута усталик билан бадиий тадқик этади.

У.Хошимовнинг «Кавазарлар» киссаси каҳрамони муаллим Омонулла Рустамов хам китобхонларнинг севимли каҳрамони булиб колди. Омонулла бир хилда сокин ва осойишти хаёт кечираётган кишлок мактабига «Квазар» – кутб юлдизи сифатида кириб келади. Бу юлдузнинг нури нафакат мактаб, балки бутун кишлок хаётига янгича нур баҳш этади. Укувчилари уни самимийлиги, билимдонлиги, хамиша ихчам – тоза кийиниб юриши учун яхши куриб колишиади. Омонулла болаларга кутб юлдузлари, космос хаёти хакида кизикарли хикоялар айтиб беради. Укувчилар назарида узларининг муаллими хам уша квазарлар – катта юлдузларнинг бири сифатига туюлади. Муаллим уларни ташлаб, шахарга жунаганда эса болалар йиглаб, машина кетидан эргашадилар. Омонуллонинг маънавий поклиги, баркамоллиги болалар калбida уз акс –садосини топади. Инсонга меҳр инсоннинг энг яхши хислатларни очади, инсонни кайтадан кашф килади.

Маълумки, хар бир каҳрамон уз даврининг маҳсулидир. Агар у чинакам хаётий яратилган булса узида шу даврининг етакчи белгиларини акс эттиради. Зотан, каҳрамон маънавий замон ва жамият маънавий холатининг ињикосидир. Шу нуктаи назардан , У.Хошимовнинг «Дунёнинг ишлари» киссаси диккатга сазовордир.

Кисса воеалари уруш ва асосан урушдан кейинги дастлабки йилларда булиб утади. Асарда ёзувчини уруш даврининг узига хос руҳи, даҳшати, фожиаларининг каҳрамон калбидаги акс – садоси, уруш фалокатлари улар юрагида колдирган маънавий жароҳатлар купрок кизикиради. Шу тарика давр хусусиятларнинг инсон маънавий оламидаги акс – садоси чукур талкин этилади.

Кисса бир катор новеллаларидан иборат булиб, ёзувчи уларда урушдан кейинги даврда кечган болалиги, тенгдошлари хакида хикоя килади, турли туман одамлар, бир катор фожиавли такдирлар каламга олинади.

«Дунёнинг ишлари» киссасида яна бир мухим мавзу мавжуд -у Она хакида достондир. Асарда онанинг самимий ва мукаммал образи яратилган. Биз Пошшо холани урушдан кейинги мураккаб даврининг турли холатларида, вазиятларида, турли одамлар билан мулокатда курамиз. Хар кандай чигал холатда хам, хар кандай оғир шароитда хам, хатто фожиали холатларда хам она оналигича колади, самимий, меҳрибон, кечиримли, багри кенг инсон сифатида намоён булади.

Урушдан кейинги давр хаётининг турли- туман майший манзараларни чузган ёзувчи уша оғир кунларда хам инсонларни узаро хамжихатлик, инсофдиёнат, самимият йуколмаганлигига, миллат маънавиятининг даҳшатли синовлардан омон чикканлигига алоҳида ургу беради.

Уз асарларида хаётнинг мухим маънавий муаммоларини кутариб чикиши замондошларининг ёркин образларини чизиб берганлиги, куйилган масалалар юксак бадиий тадқик килингандиги билан У.Хошимов узбек киссачилигини яна бир погона баландга кутарди, деб барадла айтиш мумкин.

Назорат топшириклари:

- 1.2.1. Ёзувчи кандай хаёт йулини босиб утди.
- 1.2.2. Ёзувчининг кандай машхур асарлари бор?
- 1.2.3. Ёзувчининг хикояларига хос фазилатлар нималардан иборат?
- 1.2.4. Уруш даври жароҳатлари ёзувчи хикояларидаги кай тарзда уз ифодасини топган?
- 1.2.5. У.Хошимовнинг мухаббат мавзуига багишлиланган кандай хикоялари бор?
- 1.2.6. «Бахор кайтмайди»да Алимардон образи оркали ёзувчи кандай фикрни илгари сурган?
- 1.2.7. «Калбингга кулок сол» киссасидаги Васила Назаровна образида кандай кишиларга хос хислатлар умумлаштирилган?
- 1.2.8. «Чул хавоси» киссасида ёзувчи кандай композиция усулидан фойдаланган?
- 1.2.9. «Дунёнинг ишлари» киссасининг асосий қаҳрамони кимлар?
- 1.3.1. Укувчиларни паҳтага жалб килиш масаласи ёзувчининг кайси романида тасвирланган?
 - A. «Нур борки, соя бор»
 - B. «Икки эшик ораси».
 - C. «Тушда кечган умрлар».

1.3.2. Отанинг тубанлиги сабабли барбод булган бир оила фожиаси У.Хошимовнинг кайси романида каламга олинган ?

- A. «Нур борки соя бор».
- B. «Икки эшик ораси».
- C. «Тушда кечган умрлар».

Адабиётлар:

1. Норматов У. Илк тажриба сабоклари. «Етуклик» китобида. Т., 1982 й.
2. Норматов У. Жозиба сирлари. «Узбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил 8 ноябрь.
3. Фарёд /»Тушда кечган умирлар» романи хакида/. «Узбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил 14 август.
4. Расулов А. Прозада шоир. «Узбекистон Ленин комсомоли мауреатлари» китобида. Т., Ёш гвардия, 1977 й.

5. Шарафиддинов О. Эл ардоклаган адаб. «У.Хошимов. Баҳор кайтмайди» китобида. Т., 1993 й.
6. У.Улжабоев Уткир Хошимов. «Узбек харбий прозасида характер яратишнинг баъзи масалалари» Т., «Фан», 1989 й.
7. У.Улжабоев Инсон кисматида ги излар «Хотирада чизилган излар» китобида Т., Г.Гулом нашриёти 1992 й.